

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРЛИГИ**

**Макроиқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институти**

---

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 338:316+339(575.1)

**ВАҲОБОВ АБДУРАҲИМ ВОСИҚОВИЧ**

**БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИДАГИ  
ИЖТИМОЙ ФОНДЛАР**

**Ихтисослик 08.00.03 – Макроиқтисодиёт**

**08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси**

Иқтисод фанлари доктори илмий  
даражасини олиш учун ёзилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент - 2001**

36.1 (043.3)

Тадқиқот Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

3-32

**Расмий оппонентлар:**

Иқтисод фанлари доктори, профессор, академик  
**Раъно Аҳатовна Убайдуллаева**

Иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Хусния Муҳиддиновна Муродова**

Иқтисод фанлари доктори  
**Элшод Ғаниевич Набиев**

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Иқтисод институти

Химоя 2001 йил «16» феврал 2001 да  
Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва Статистика  
вазирлигининг Макроиктисодиёт ва ижтимоий тадқиқотлар  
институтининг Иқтисод фанлари доктори илмий  
даражасини олиш учун диссертация ашмоси бўлган Д.04.01.01  
рақамли Ихтисослаштирилган кенгаши мажлисида ўзгазилади.  
Манзил: 700000, Тошкент ш. Я.Ғулломов кучаси, 12

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси  
Макроиктисодиёт ва Статистика вазирлигининг Макроиктисодиёт  
ва ижтимоий тадқиқотлар институти кутубхонасида танишиш  
мумкин.

Автореферат 2001 йил «15» енвар да жўнатилди.

Ихтисослаштирилган  
кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари  
номзоди

Муинов Д.А.

## I. Тадқиқотнинг умумий тавсифи

**Муаммонинг долзарблиги.** Ўзбекистонда шаклланаётган бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги ислохотларнинг ўзига хос «ўзбек модели»нинг асосий тамойилдир.

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмини яратиш мамлакатда бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг ва ижтимоий – сиёсий барқарорликка эришишнинг омили бўлиб қолди.

Мамлакатимизда бозор ислохотларининг босқичма – босқич амалга оширилиши ижтимоий ҳимоя масалаларида ҳам ўз аксини топмоқда. Нарх – навони эркинлаштириш ва инфляция даражаси юқори бўлган шароитларда аҳоли даромадларини индексациялаш; истеъмол бозорини ҳимоялаш, янги иқтисодий шароитларга мослашолмаётган аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб – қувватлаш сингари устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Дастлабки босқичда нархларни чегаралаш орқали аҳолининг барча қатламлари ёппасига давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинди.

Кейинчалик эса, аста – секин аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолат бериш ва аҳолининг фақат муҳтож қатламларини қўллаб – қувватлаш механизми яратилишига босқичма – босқич ўтила бошланди. Аҳолининг ҳамма қатламларини ёппасига ижтимоий ҳимоялаш тизими аста – секин турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларга табақалаштириш билан алмаштирилди ва аҳолини адресли ижтимоий ҳимоялаш тизими шакллана бошланди. Бу тизимга: бюджет маблағлари ҳисобидан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларига нафақа тўлаш, қонуний равишда белгиланган энг кам миқдордаги иш ҳақи, пенсия тўлаш учун сарфлаш; аҳолининг муайян тоифасига бепул ижтимоий хизмат кўрсатишни таъминлаш; қатор ижтимоий хизматларни минимал даражада истеъмолчиларга тўғридан – тўғри етказиб бериш ва бошқалар киради.

Ҳозирги даврда иқтисодиёт эркинлаштирилаётганлиги ва бозор ислохотлари чуқурлаштирилиши муносабати билан кучли ижтимоий сиёсат тўлалигича устувор бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти бу борада: «**Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислохотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислохотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу**

тамоийлга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак», — деб алоҳида таъкидлайди.<sup>1</sup>

Иқтисодий эркинлаштиришнинг янги шароитида фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янги амалий шакллари қўллашни талаб этади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ижтимоий фондлар тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш бу шакллар ичида муҳим ўрин тутди.

**«Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги механизмини танқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш лозим бўлади. ... бу ишларнинг ҳаммасига хайрия ташкилотларини, давлатга қарашли бўлмаган жамғармаларни ... маблағини кенг жалб этиш лозим».**<sup>2</sup>

Ўзбекистонда ижтимоий фондлар шакллантирилишида уларнинг ташкил қилиниши бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилади ва мамлакатдаги мавжуд ижтимоий — иқтисодий муносабатлар ҳисобга олинади. Бундай уйғунлаштиришга эришиш натижасида ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ортади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бир қанча турли даражадаги давлат ва нодавлат ижтимоий фондлар фаолият кўрсатмоқда. **«Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад — жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш»**<sup>3</sup> ҳисобланади. Ушбу фондларнинг баъзилари бошқа мамлакатлардагига ўхшаш бўлса, бошқалари эса ўхшаш йўқ, оригинал бўлиб, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзимизга хос миллий йўлимиз борлигини тасдиқлаб турибди. Иқтисодий тараққий этгани сари ижтимоий фондлар аҳамияти ҳам ортиб боради ва улар сон жиҳатдан ҳам кўпайиб боради. Бу эса, ижтимоий фондлар моҳияти ва вазифасини илмий тарзда тушунишни, таҳлил этишни, улар фаолиятини йўлга қўйишда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришни талаб этади ва илмий тадқиқот учун ушбу мавзуни танлашни белгилаб беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари ўрганилиши хорижлик ва иқтисодчи олимларимиз илмий тадқиқотларининг энг фаол йўналишларидан биридир. Давлатнинг фаол ижтимоий сиёсатининг мазмуни, шакллари ва мезонларига оид масалалар хорижий олимлар Н.Барр, М.Рутковский, И.Томаш, Р.Хольцман, Г.Колодка, А.Премчанд, Дж.Сакс, Э.Аткинсон, Дж.Стиглиц, Д.Ж.Бьюкенен, А.Н.Бабич, Е.Н.Егоров, Е.Н.Жильцов,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 18—19 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 40—41 б.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 22—23 б.

Е.В.Пономаренко, Н.Н.Гаврилова, С.В.Кадомица, Л.И.Якобсон, Н.Дмитриев, Ўзбекистонда эса Э.Акрамов, Ҳ.Аллақулов, Р.Алимов, И.А.Каримов, Р.Каримов, Т.Каримова, Г.К.Саидова, Р.А.Убайдуллаева, Х.Н.Муродова, А.Ўлмасов, М.Ҳакимова, М.Шарифхўжаев, Р.Шодиев, Х.Мамарасулов, А.Эргашев ва бошқа кўплаб олимларнинг асарларида ёритилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари қанчалик кенг қамраб олингани ва илмий жиҳатдан чуқур ўрганилганлигига қарамай, аксарият асарларда асосий эътибор умумий масалаларни таҳлил этишга қаратилган. Кўпчилик нашр этилган мақола, рисола ва диссертацияларда ижтимоий сиёсатнинг айрим соҳалари – даромадлар индексацияси, давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги, ночорларга ижтимоий ёрдамнинг шакллари ва зарурлиги ёритилгани ҳолда иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, уни юзага чиқариш механизмлари ва бунда турли фондларнинг роли эътиборсиз қолмоқда. Мазкур фондларнинг моҳияти, уларнинг шаклланиши ва ишлатилиши, айниқса, самарадорлиги ва макроиқтисодий сиёсатдаги роли таҳлил этилмаган. Ваҳоланки, бу фондларнинг аҳамияти ва таъсирчанлиги ортиб боришга мойил бўлмоқда. Шунга қарамай, ижтимоий фондларнинг вужудга келиши, амал қилиш хусусиятлари ва ривожлантириш истиқболлари республикаимизнинг иқтисодиёт фанида амалда қанузгача ўрганилмай қолмоқда, дейишга етарли асослар бор. Жаҳон амалиётида эса, ижтимоий фондларни, айниқса нодавлат ижтимоий фондларни ташкил этиш борасида бой тажриба тўплаганки, улардан оқилona фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Хорижий мамлакатларда бу йўналишда кўплаб илмий – назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва амалий ишлар амалга оширилмоқда, уларнинг ижобий натижаларидан Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш ҳам амалий, ҳам илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ўзбекистонда ижтимоий фондларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ илмий ва амалий муаммолар мажмуи олинди.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, ижтимоий фондлар моҳияти ва амал қилиш механизми, улар билан боғлиқ бўлган янгича ижтимоий ҳимояни ташкил этишда чекланган молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоси хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотидан кўзланган мақсад** – бозор тизимининг ижтимоий йўналишини аниқлаш, уни амалга оширишда ижтимоий фондларнинг функционал ролини асослаш, бу фондларни шакллантириш, улардан самарали фойдаланиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқишдир. Диссертация

мақсадига мувофиқ, унда қуйидаги масалалар қўйилди ва ҳал этилди:

- бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналиши муаммоларига оид турли моделларни ҳисобга олган ҳолда назарий ёндашувларни ўрганиш;
- ижтимоий фондларнинг моҳияти ва таркибий тузилишини, уларнинг макроиқтисодий оборотдаги, иқтисодиётнинг ижтимоийлигини таъминлашдаги ўрнини аниқлаш;
- ижтимоий фондлар амал қилишининг хорижий мамлакатлардаги тажрибасини гуруҳлаштириш ва умумлаштириш негизида амалий таклифлар ишлаб чиқиш;
- «Ўзбек модели»га асосланиб, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши хусусиятларини очиб бериш ва транзит иқтисодиёт босқичида ижтимоий фондлардан фойдаланиш тамойилларини аниқлаш;
- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида чекланган молиявий ресурсларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ижтимоий фондларни шакллантиришнинг манбаларини аниқлаш;
- ижтимоий фондларнинг инвестицион хусусиятларини кучайтириш мақсадида давлат ва нодавлат фондларнинг келажакда ривожланиш истиқболларини илмий асослаш;
- ижтимоий фондлар маблағларидан амалий фойдаланишни тадқиқ қилиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси** қилиб ижтимоий – иқтисодий муносабатларни таҳлил этишда қўлланадиган тизимли ёндашувлар, ватанимизда ва жаҳон фанида мавжуд бўлган методологик таҳлил усуллари, И.А.Каримов асарларида ижтимоий тараққиётнинг моҳияти ва босқичларига баҳо беришдаги ёндашувлар олинди.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан, шунингдек миллий ва халқаро маълумотлардан унумли фойдаланилди.

Муаллиф диссертация ёзиш жараёнида хорижий адабиётлар ва манбалардан, Умумжаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа Таъмирлаш ва Тараққиёт банки, ва бошқа халқаро ташкилотлар материаллари ва ҳисоботларидан кенг фойдаланди.

Тадқиқот олдига қўйилган масалаларни ҳал этиш учун динамик, тузилмавий ва қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаштириш усулларида кенг фойдаланилди. Халқаро ташкилотлар, миллий ва МДҲ статистикасининг расмий маълумотлари, Ўзбекистон Молия, Ижтимоий таъминот, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат вазирликларининг ҳисобот маълумотлари, вазирлик ва идораларнинг социологик

тадқиқотлари маълумотлари, шунингдек давлат ва нодавлат ижтимоий фондларнинг расмий ҳисоботлари диссертация учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг химояга чиқарилган илмий янгилиги**  
қуйидаги – лардан иборат:

- бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналишининг имманентлиги, перманент жараён эканлиги, унинг кўп вариантли ва хилма – хиллиги, унинг ички тизимли таснифга эга бўлиши, турли даражада амал қилиши ва бошқарилиши илк бор асосланди;
- ижтимоий компонент бозор иқтисодиёти миллий моделларига ҳам хос эканлиги, аммо унинг амалга оширилиши моделларнинг мослашувчанлигига боғлиқ бўлиши, моделларнинг ўзида социал компонентлар иқтисодий ўсишни детерминациялаши аниқлаб берилди;
- бозор иқтисодиётига ўтишда «Ўзбек модели»га асосан, давлатнинг макроиқтисодий даражада ижтимоий бошқарувда ҳам кучли функционал рол ўйнаши, ижтимоий йўналишнинг ички ва ташқи омилларини баланслашуви унга хос эканлиги, аммо либерал тизимга ўтиш чоғида нодавлат ижтимоий бошқаришни, хусусан, ўзини – ўзи бошқаришни авж олдириш зарурлиги тўғрисидаги гоё олға сурилди;
- ижтимоий фондларнинг молиявий категорияси бўлиши, унинг молиявий функциялар ҳосиласига айланиши асосланди, Ўзбекистонда бу фондларнинг манбалари, мулкый шакллари ишлатилишига қараб, уларни янгича таснифи берилди, уларнинг ўсиш омиллари, давлат ва нодавлат фондларининг устуворлиги ўзгариб туриши аниқланди, молиялаштириш механизмлари ёритилди;
- социал таъминотнинг самарали, лекин шаклланиши ва ишлатилиши қийин бўлган тизими билан унинг самараси пастроқ, аммо ўзини – ўзи иш билан таъминлаш, кичик ва ўрта бизнес корхоналарида бандлик ўсаётган миллий иқтисодиёт шароитига мос бўлган провидент тизими ўртасидаги зиддиятлар очиб берилди, Ўзбекистонда бу тизимлар синтези зарурлиги белгиланди;
- Ўзбекистонда ижтимоий фондларнинг ишлатилиш хусусиятлари, нодавлат фондлардан фойдаланиш самарасининг пасайиб бориш сабаблари аниқланди, уларнинг функциясидан келиб чиққан ҳолда улардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатилди;
- ижтимоий фондларнинг истиқболли ривожланишида уларни ташкил этиш ва уюштиришнинг бозор ва нобозор усуллари, имкониятлари ва чегаралари кўрсатилди, уларнинг ўзаро

муносабатлари иқтисодий салоҳиятга боғлиқ эканлиги аниқланди;

- Ўзбекистонда келажакда ижтимоий фондларни уюштирилиш даражасининг ўзгариши аниқланди, уларни бошқаришда халқаро тажрибага таяниб, янги тамойилларни киритиш зарурлиги асосланди. Бу билан фондларни бошқаришнинг либерал тизим талаби даражасига чиқиши кўрсатилди.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, тадқиқотнинг илмий хулосаларидан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши муаммоларини янада чуқурроқ тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Муаллифнинг тавсиялари ижтимоий ҳимоялашнинг бозор муносабатлари тизимига хос бўлган янги усулларни шакллантиришда, шунингдек, Ўзбекистонда мавжуд бўлган нодавлат фондларнинг амалий фаолиятини яхшилашда қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг назарий қоидалари ва унинг амалий материалларидан иқтисодиёт назарияси, макроиқтисодиёт, ижтимоий сиёсат ва бошқа ижтимоий мавзудаги фанларни ўқитишда ва махсус курсларни ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижалари муҳокамаси.** Диссертациянинг асосий натижалари Умумжаҳон банки томонидан ўтказилган қуйидаги халқаро семинарларда, конференцияларда маъруза кўринишида муҳокама қилинган: «Янги мустақил мамлакатларга ижтимоий сиёсат, дастурлар ва лойиҳалар», 14 май – 8 июн, 1995 йил, Вашингтон (АҚШ); «Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсия тизимини ислоҳ этиш», 15–22 сентябр, 1997 йил, Тел–авив (Исроил); «Ижтимоий ҳимоя ва пенсия тизими ислоҳоти. Пенсия тизимини шакллантириш ва бошқариш», 1–5 июн, 1998 йил, Вена (Австрия); «Пенсия тизимида кризис», 14–25 июн, 1999 йил, Гарвард Университети (АҚШ) ва бошқалар. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент Молия Институтини, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети, Тошкент Давлат Техника Университети, Фарғона Давлат Университети ва Макроиқтисодий ва Ижтимоий тадқиқотлар институтини илмий семинарларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг нашр қилиниши**

Диссертациянинг асосий ғояси, унда олға сурилган фикр мулоҳазалар ва амалий тавсиялар умумий ҳажми 28 б.т. бўлган 29 илмий ишда, шу жумладан ҳаммуаллифликда нашр этилган битта монография ва муаллифнинг ўзига тегишли бўлган мамлакатимизда чоп этилган илмий мақолалар ва тезис матналари



ва хорижда чоп этилган илмий журнал ва илмий ишлар тўпламидаги мақолаларда баён этилган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши тадқиқот олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб белгиланди. У кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланди, ишнинг илмий жиҳатдан янгилиги ҳамда амалий аҳамияти таърифланди.

Тадқиқотнинг **биринчи** – «Бозор иқтисодиётини ижтимоий йўналишининг назарий муаммолари» бобида жаҳон иқтисодиёти фанида бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналиши муаммоларига бағишланган илмий ёндашувлар ёритилган. Бунда ижтимоий йўналган бозор иқтисодиёти моделларига катта эътибор берилган.

«Ижтимоий фондларнинг моҳияти, уларнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни ва вазифаси», деб номланган **иккинчи боб** ижтимоий фондларнинг категория сифатидаги моҳиятини очишга ҳамда уларнинг макроиқтисодий оборотдаги ўрнини белгилашга, ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг «ўзбек моделида» ижтимоий фондларнинг амал қилиш хусусиятлари очиб берилишига бағишланган.

**Учинчи**, «Ижтимоий фондларни шакллантиришнинг халқаро тажрибаси ва унинг ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар учун аҳамияти» бобида иқтисодиёт даражаси турлича бўлган мамлакатларда ижтимоий фондларнинг ишлатилиши, бунда ижтимоий фондлардан иқтисодий трансформация шароитида фойдаланиш хусусиятларига урғу берилган.

«Ўзбекистон миллий иқтисодиётини бозор томон трансформацияси шароитида ижтимоий фондлар», деб номланган **тўртинчи бобда** миллий ривожланиш моделида иқтисодиётни ижтимоий йўналтириш хусусиятлари ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ижтимоий бошқариш муаммолари таҳлил этилиб, давлат ва нодавлат ижтимоий фондлар мазмуни ҳамда вазифаси аниқлаб берилган.

**Бешинчи боб** «Ўзбекистонда ижтимоий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги», деб номланган. Бу бобда Ўзбекистонда ижтимоий фондлар маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари таҳлил қилиниб, уларнинг самарадорлиги аниқланган, шунингдек ижтимоий фондлар ривожланишининг реал истиқболлари илмий жиҳатдан асослаб берилган.

**Хулоса қисмида** тадқиқот натижалари, асосий хулосалар ва илмий тавсиялар даражасида умумлаштирилган.

## II. Тадқиқотнинг асосий мазмуни

1. Бозор тизимидаги ижтимоий фондлар аҳамияти бу тизим нақадар ижтимоий йўналиш олиши билан белгиланади. Шу сабабли фондлар моҳияти ва вазифаларининг таҳлили бозор иқтисодиётининг ижтимоий жиҳатларини билиш учун зарур. Ҳозирги назарий тадқиқотларда аралаш иқтисодиёт концепциясига эътибор кучайиб бормоқда. Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши ҳам шу концепция доирасида кўриб чиқилади.

Аралаш иқтисодиёт истиқболли, деб тан олинган ҳолда унинг кўп вариантли бўлиши эътироф этилади.

Аралаш иқтисодиёт бозор тизимининг янги муносабатлар тизимига муқаррар айланиши бўлиб, бу муносабатларга мулкчилик ва ҳўжалик юритишнинг хилма-хил шакллари, иқтисодиётнинг бошқарилувчанлиги, унинг динамикалиги ҳамда жамият аъзоларининг фаровонлиги таъминланишида ишлаб чиқариш кучлари имкониятлари даражасида таъминловчи кучли ижтимоий йўналишлар хосдир. Афтидан, аралаш иқтисодиёт истиқболда жаҳон миқёсидаги тизим бўлиб қолади. Шу муносабат билан иқтисодиётни ижтимоий йўналтиришни аралаш иқтисодиёт нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Аралаш иқтисодиёт бозор иқтисодиётининг олий шакли, унга аниқ ва доимий ижтимоий йўналиш хос.

Ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг таҳлили кўрсатишича, миллий ривожланиш турли моделларининг асосий фарқи ҳамда ўзига хослиги бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналиши хусусиятлари, усуллари ва шакллари билан белгиланади.

Бир қатор муаллифлар нуқтаи – назарига кўра, вужудга келган иқтисодиёт модели ва қабул қилинган устувор жиҳатлар бўйича мамлакатлар икки турга бўлинади. Биринчи тур – ижтимоий ривожланишда давлатга тарихан муҳим рол ажратилган ва социал – демократик тамойиллар кучли бўлган мамлакатлардир. Иккинчи турга эса, индивидуал имкониятларга ҳамда ўзи учун ва ўз оиласи учун шахсий масъулиятга устунлик бериладиган мамлакатлар киради. Бу мамлакатлар эркин бозор иқтисодиётига эга.

Фикримизча, бундай тугал хулосаларга қўшилиб бўлмайди. Бир томондан, айтилган тафовутлар чиндан ҳам мавжуд, лекин улар эркин иқтисодий тизимларда ҳам бўлиши мумкин. Яъни, либерализм – иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг бош мезони эмас. Давлатнинг ижтимоий эҳтиёжларга бевосита таъсир кўрсатиш воситаларидан воз кечганлиги миллий иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий йўналишига чек қўйилаётганини билдирмайди. Ҳўжалик ривожланиши моделининг моҳиятини

давлат харажатларининг роли ва ҳиссаси билан баҳоламаслик даркор, лекин шундай қарашлар ҳам бор.

Ижтимоий йўналиш, нафақат давлат секторининг, балки бутун иқтисодий тизимнинг йўналтирилганлигидир. Бу, айрим назарий хатоликлардан қутулиб қолишга имкон берувчи жуда муҳим жиҳатдир. Айниқса бу мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг барча томонларини эркинлаштириш вазифаси қўйилган ҳозирги босқичга таалуқдидир. Лекин, эркинлаштириш қанчалик долзарб тарзда кечмасин мамлакатимиздаги моделнинг ижтимоий йўналиши билан боғлиқ хусусияти сақланиб қолаверади. Эркинлаштириш ижтимоий йўналишни бекор қилмайди, балки уни таъминлашдаги устуворликларни ўзгартиради холос.

2. Методологик нуқтаи – назардан иқтисодий тузилмада иқтисодиёт субъектларининг анланган эҳтиёжлари сифатидаги манфаатлар алоқаси етакчилик қилади, ижтимоий барқарорлик эса биринчи навбатда манфаатлар уйғунлигига боғлиқдир.

Шундай ёндашувлардан келиб чиқилса, қадриятлар жамият субъектлари манфаатларининг ўзаро алоқалари билан боғлиқ равишда шаклланидиган ижтимоий муносабатлардир, қадриятнинг умумий мазмуни субъектнинг ўз манфаатларини рўебга чиқариши учун қулай муҳит бўлган жамиятга даҳдорлигидир, деган хулосага келинади.

Қадриятлар ва манфаатларнинг ажралмаслиги ҳамда турли манфаатлар алоқаларининг барқарорлигини таъминловчи тегишли шарт – шароитлар миллий иқтисодиётнинг чинакам аралаш тизимга айланишининг муҳим шартидир. Бунда, фикримизча, манфаатларнинг ижобий ўзаро муносабатларини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш ўринлидир.

Манфаатларнинг зид келиши ҳозирги ривожланиш йўлларидаги асосий тўсиқдир. Агар аралаш иқтисодиётда турли субъектлар манфаатларини мутаносиблаштиришга эришиб бўлмаса, у ҳолда ресурслардан фойдаланиш ижтимоий йўналишига эга бўлмай қолади.

Ўзаро бир – бирини бойитувчи манфаатларни мувофиқлаштириш жараени ўз характерига кўра мураккаб бўлиб, энг аввало, ўзи тўхтовсиз ўзгариб туриши туфайли баланслаштиришнинг турли шаклларини талаб қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, бу манфаатлар мувозанати ижтимоий ривожланишнинг устуворлигини тақозо этади. Бу, афтидан, самарали ижтимоий – иқтисодий консенсуснинг ягона негизидир.

Бундай ёндашув, бир қарашда анча кенг тарзда тушунилади. Аслида, бундай қарашлар давлатнинг корпоратив ва индивидуал манфаатларни умуммиллий манфаатларга айлантириб юборишга қодир бўлган куч сифатида янгича тақдир этишга асос бўлади. Бу

эса, ўз навбатида, мамлакатнинг ҳозирги жаҳон миқёсидаги ривожланиш жараёнларига тўла кириб бориши учун зарурдир.

Қадриятлар тизими тенг ҳуқуқли субъектларнинг ўзаро муносабатларини ифодалайди ва унда ижтимоий йўналиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий йўналиш шундай тартибдирки, унда субъектлар ўз манфаатларини рўёбга чиқаришда, ўзининг жамиятдаги ўрнини эгаллашда ҳамда сақлаб қолишда ижтимоий тузумга суянишлари мумкин. Шу боис, миллий тараққиёт моделлари диққат билан таҳлил этилса, биринчидан, ижтимоий йўналтирилганлик кучайишга мойиллиги кўринади. Иккинчидан, ижтимоий йўналиш яккаю ягона шаклда бўлмайди. Учинчидан, у ўзининг ички ва ташқи омилларининг ўзаро боғлиқлигини мослаша бориш жараёнида рўёбга чиқаради.

Гап шундаки, баъзи ҳолатларда бозор иқтисодиётида ўзини – ўзи ижтимоий йўналтиришига урғу берилса, бошқа ҳолатларда уни таъминлашнинг давлат шаклларига урғу берилади. Бунда ушбу урғуларнинг алмашилиши тарихий ривожланишнинг муқаррар ҳодисаси бўлиб, у ҳар бир моделга хос перманент ижтимоий йўналишни рўёбга чиқариш усуллариининг ўзаро мослашувини билдиради.

Шундай қилиб, ижтимоий жиҳат замонавий иқтисодиёт учун ҳам, унинг алоҳида миллий моделлари учун ҳам белгиловчи бўлиб қолади. Шу нуқтаи – назардан қараганда, тадқиқотда миллий моделлар хусусиятларининг икки қатламини (тизим даражасини): биринчидан, ижтимоий жиҳатларни; иккинчидан, ижтимоий жиҳатлардан келиб чиқувчи иқтисодий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган.

Иқтисодиёт назарияси ҳозирга қадар ўз эътиборини иқтисодий жиҳатларга қаратиб келди, лекин унинг замиридаги асос сифатидаги ижтимоий жиҳатларга эътибор берилмади. Айни шулар моделлардаги тафовутларни белгиловчи омиллар бўлиб хизмат қилиши, айни маҳалда иқтисодиёт моделларининг таркибий компонентлари қатламлар бўйича субординацияда бўлиши, модел ўзининг истиқболий ривожланишида айнан шу тариқа тизимли бирликни касб этиши тақозо этилади.

Ислоҳ қилиш амалиёти нуқтаи – назаридан тўғридан – тўғри ижтимоий муаммоларни аниқлаб ва иқтисодий шаклларни уларга мувофиқ яратиш, такомиллаштириш ва ўзгартириш йўли самаралидир. Акс ҳолда, мантиқан бозор ислоҳотлари иқтисодий мазмунига тўла мувофиқ келадиган иқтисодий ечимлар ижтимоий жараёнларга унча мувофиқ келмай қолиши мумкин.

Шунинг учун, ижтимоий мўлжални нафақат иқтисодий, балки ижтимоий тартиб жиҳатдан қараб чиқиш ҳам, буткул мантиқий ва асослидир.

Илмий таҳлилнинг кўрсатишича, ижтимоий мўлжал ўз навбатида бир қатор компонентлардан иборат бўлишликни тақозо этади. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, жамиятнинг бирон–бир субъекти ёки барча субъектларининг ижтимоий (энг аввало моддий) аҳволи кафолатланиши.

Иккинчидан, ижтимоий ҳимоялаш талаб этиладиган субъектларнинг мавжудлиги.

Учинчидан, ижтимоий риск омиллари мавжуд бўлиб, улардан кафолатланиш ва ҳимояланиш талаб қилинади.

Тўртинчидан, иқтисодий тизимнинг нақадар ижтимоий йўналтирилганлик даражасини аниқ белгилаш имконияти.

Бешинчидан, иқтисодий тизим ижтимоий йўналишининг чинакам шакллари, услублари ва воситаларининг мавжудлиги.

Тавсифлаб берилган ёндашувларга мувофиқ, ижтимоий мўлжал мазмунан кўп вариантли ва хилма–хил категориядир.

Бу хулоса ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий мўлжал жами талабларнинг функционал роли ва чекланган ишлаб чиқариш ресурсларининг хусусий мулклигидан ташқари, давлат ўз зиммасига олаётган кафолатларга ҳам боғлиқ. Бу кафолатларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

- қонунийлик ва ҳуқуқ – тартибот механизми пировард натижада миллий иқтисодиётнинг белгиланган ижтимоий меъёрлари ва даражаси бўйича кафолатларни таъминлайди. Қонун нуфузига мутлақ таяниш аҳоли турли қатламларининг ҳокимият тузилмаларига биргаликда таъсир кўрсатиши учун шароит яратади;

- ҳўжалик тузилмасида мулкчиликнинг турли хусусий шакллари ривожлантириш имкониятлари бор. Мулкий муносабатлар барқарорликка интилиш, амалда монополияга қарши чоралар кўрилишига, шунингдек кичик ва ўрта тадбиркорликни, энг аввало, ҳўжалик амалиётидаги мулкчиликнинг барча шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга олиб келади. Кичик ва ўрта тадбиркорлар кўп сонли ижтимоий табақалардан чиққани боис, уни қўллаб – қувватлаш чоралари, моҳиятан ижтимоий йўналтириш чораларидир;

- жамиятнинг ижтимоий ночор қатламини қўллаб – қувватлаш умуман жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини таъминловчи социал муроса шаклидир. Компенсация беришнинг анча мураккаб тизими бундай қўллаб – қувватлашнинг асосий шаклидир.

Мазкур компонентлардан ҳар бирининг функционал фаоллик даражаси ҳўжалик фаолиятига боғлиқ.

Чунончи, самарали ишлаб турган бозор механизмлари иқтисодий тизимнинг асосий ижтимоий масалаларини ҳал этишни таъминлайди. Бу, энг аввало, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар манфаатлари муштараклигини таъминлаш, яъни улар ўз фаолиятларида бир—бирини назарда тутишлари учун зарур шарт—шароитлар яратиш орқали амалга оширилади. Ижтимоий йўналтирилишнинг биринчи омили (ёки вектори) бозор иқтисодиётига хос айнан шу қоидада ўз ифодасини топади.

Бозор чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини самарали тақсимлашни, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро бирикиши ҳамда шу муносабатлар натижасида кейинчалик улардан фойдаланишни таъминловчи восита бўлса, ижтимоий эҳтиёжлар қондирилиши эса, бу — мақсад бўлиб, шу воситалардан нақадар оқилона фойдаланганлигини баҳолаш мезонларини олдиндан белгилаб беради.

Шунинг учун, фикримизча, ижтимоий мақсад билан узвий боғланмаган бозор муносабатларини мазмун жиҳатдан кўриб чиқишнинг ўзи ўринсиздир.

Мақсад ва воситаларнинг ўзаро муносабатлари мураккаб жараён бўлиб, унда ҳам тўғридан—тўғри, ҳам тизимга хос қайтма алоқалар мавжуд бўлади. Ижтимоий мақсаднинг асосий мазмуни ўз параметрлари бўйича мақсадга етиш воситасининг, яъни бозор механизмининг ўзига сингиб кетишига объектив равишда олиб келади. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналиши, деб аталадиган атаманинг муҳим аломатлари биринчи навбатда айни шу ўзаро муносабатлардан таркиб топади.

Ижтимоий йўналишнинг ички ва ташқи омилларининг тизимли нисбати, кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг аниқ даражасига боғлиқдир.

Маълумотлар тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган ЯИМ умумжаҳон кўрсаткичидан 5 баравардан зиёд эканлигини кўрсатмоқда. Бозор механизмлари айнан шу мамлакатларда тўлароқ равишда амал қилади ва шу мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражаси ҳам кўпроқ унинг натижаларига боғлиқ бўлиб боради.

Бозор муносабати камроқ ривожланган мамлакатда ЯИМни ишлаб чиқариш ҳам камроқ бўлади, ижтимоий ривожланиш даражаси ҳам орқада қолади. ЯИМни қандай истеъмол қилиш тартиби иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, ижтимоий фондларни хусусий маблағлар ҳисобига тузиш имкониятларини белгилаб беради.

Бироқ, иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган мамлакатларда хусусий истеъмолнинг солиштирма салмоғи юқорилигича қолсада, ҳажман катта эмас (1 – жадвал).

Иқтисодий ривожланиш даражасининг юқорилиги давлатнинг ижтимоий хизматлари сифатида ҳам, нодавлат фондлар ҳисобидан кўрсатиладиган хизматлар ва пул тўловлари шаклида ҳам, ижтимоий неъматларнинг юқори даражада истеъмол қилинишини белгилаб беради. Бироқ, бу икки шаклнинг ўзаро нисбати бирон – бир мамлакат иқтисодиёти қандай модел асосида ривожланишига боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналишининг муаммоларини диссертацияда тадқиқ этиш қатор илмий қоидаларни асослаб бериш имконини яратди.

Биринчидан, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини имманент (ички) бўлиши, яъни унинг қонун – қоидаларидан келиб чиқиши ижтимоий тараққиёт вектори учун бошланғич ҳолат, деб эътироф этилиши лозим.

Иккинчидан, ижтимоий йўналиш амалга оширилишининг аниқ шакллари тадқиқ этилганда, бозор иқтисодиётини ташқаридан туриб давлат бошқаруви воситасида ижтимоий йўналтириш унинг имманент йўналишини заифлаштирмаслиги зарур. Яъни, йўналишнинг бирон – бир шаклини ривожлантириш истиқболларини кўриб чиқиш пайтида мўлжалнинг ички ва ташқи омилларини тенглаштириш зарурати мавжудлигини инobatта олиш талаб қилинади.

1 – жадвал

**Ҳозирги вақтда жаҳонда ялпи ички маҳсулотни истеъмол этиш турлари (фоиз ҳисобида)\***

Жаҳон мамлакатлари	Давлат секторидagi истеъмол		Хусусий истеъмол		Ялпи жамғариш	
	1980 й.	1998 й.	1980 й.	1998 й.	1980 й.	1998 й.
1. Даромади кам мамлакатлар	12	12	60	57	28	31
2. Даромади ўртача мамлакатлар	12	14	63	63	25	23
3. Даромади юқори мамлакатлар	16	17	60	63	24	19
4. Бутун жаҳон	15	16	61	63	24	21

\* «На пороге XXI века. Доклад о мировом развитии 2000 года». – М.: Изд – во «Весь мир», Всемирный Банк, 2000, с. 238 – 239 маълумотлари асосида тузилган

Учинчидан, иқтисодиёти бозор томон трансформацияланаётган мамлакатларда ижтимоий йўналишнинг

бевосита ўзларига хос бўлган муаммолари борки, уларни четлаб ўтиш мумкин эмас.

Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналишини кўп вариантлик ва гурли—туманликка хос категория, деб баҳолаш зарурки, у ички тизимли тавсифга эга, уни амалга ошириш ва бошқариб бориш турли даражада бўлади, унинг ички компонентлари маълум иерархияда туради.

3. Ҳар қандай бозор иқтисодиётида жами талаблар таъсири ижтимоийликни белгилловчи кучга эга бўлади. Шу билан бирга, бозор иқтисодиётида давлат фаол иштирок этиб, уни ижтимоий жиҳатдан йўналтиради. Шундай икки жиҳатли тизимнинг пайдо бўлишини ижтимоий ҳамкорликнинг алоҳида шакллари зарурлиги тақозо этади, чунки, акс ҳолда, иқтисодий ривожланиш маъносиз бўлиб, ижтимоий муаммоларни бартараф этишни кафолатламайди. Боз устига бу — ижтимоий ҳамкорлик бозор билан давлат ўртасидаги ўзаро узвий муносабатларнинг маҳсули бўлиб, у шаклан ва мазмунан бойиб бориши ҳисобига жаҳон амалиётида янги иқтисодий ҳодиса—ижтимоий бозор иқтисодиётини юзага келтирди.

Ижтимоий бозор хўжалиги моделларида давлат ижтимоий фондлари шакллантирилишига, шунингдек, хусусий фондларга давлат ердами кўрсатилишига катта эътибор берилади, натижада давлат ижтимоий дастурларини бажариш учун молиявий ресурслар жамланади. Қатор ривожланган мамлакатларда ижтимоий дастурларни давлат йўли билан молиялаштириш кучайиб бориши кузатилаётгани табиий жараёндир.

Бунда ижтимоий секторнинг маблағ билан таъминланишининг давлат тизими кучли бўлиб, бу аҳоли кенг оммасини кўплаб ижтимоий неъматлардан баҳраманд бўлишини кафолатлайди, чунки фақат нодавлат ижтимоий фондлар билан буни таъминлаб бўлмайди. Бироқ, шуни алоҳида қайд этиш зарурки, иқтисодиётнинг корпоратив моделида (Япония) ижтимоий юк кўпроқ корпоратив фондлар зиммасига тушади. Шу боис, Япония ривожланган мамлакатлар орасида давлат бюджети ҳисобидан ижтимоий дастурларга энг кам (13%) харажат қилиши билан ажралиб туради.

Иқтисодиёт заиф ривожланган шароитда умуммиллий дастурларни бажариш учун катта бўлмаган ресурсларни бир ерда жамлашга тўғри келади. Нодавлат ижтимоий фондларнинг ривожланмаганлиги шу билан белгиланади. Аммо хусусий истеъмол, шу жумладан нодавлат фондлар ҳисобига ҳам аста—секин ўсиб бораётгани умумий тамойил бўлиб қолмоқда (2—жадвал).

Умумжаҳон миқёсида давлат ва нодавлат ижтимоий фондлар нисбатида миллий тафовутлар сақланиб қолади. Ўзбекистонда бу



нисбат иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар чуқурлашишига кўра ўзгариб келди. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя икки босқичли бўлиб, бунда ёппасига ижтимоий ҳимоя тизимидан ашончли ижтимоий кафолатлар механизмини яратишга ҳамда ишлонинг энг ночор қатламларини қўллаб – қувватлашга аста – секин ўтиш ижтимоий ривожланиш учун бош мезон қилиб олинди. Аҳоли барча қатламларини бир текисда ижтимоий ҳимоялашдан турли ижтимоий қатламлар ҳамда гуруҳлар табақалаштирилиб, адресли ҳимоя қилишга ўтилди. Республикада аниқ ижтимоий ёрдам кўрсатиш – жаҳонда энг кенг тарқалган ҳамда халқаро ҳамжамият энг кўп қўллаб – қувватлаб келаётган тизим рўёбга чиқарила бошланди.

Шу тизимга ўтилганлиги туфайли жамиятнинг бойларга ва камбағаларга ажрალიши, улар орасидаги тафовутларнинг ҳаддан ташқари катта бўлиб кетишига йўл қўйилмаслигига эришилди. Масалан, Ўзбекистонда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, энг бой 10 фоиз аҳоли билан энг камбағал 10 фоиз аҳоли даромадларидаги фарқ ижтимоий хавфсизлик мезонига мувофиқ 10 баравардан катта бўлмаслиги керак. Ўзбекистонда бу фарқ иқтисодий ислоҳотларнинг амалга ошириш йиллари қуйидагича бўлди: 1991 й. – 8,3; 1992 й. – 8,8; 1995 й. – 9,3; 1996 й. – 8,4; 1999 й. – 10 баравар.<sup>4</sup> МДҲнинг қатор мамлакатларида (масалан, Россия, Қозоғистон, Қирғизистонда) бу кўрсаткич айрим йиллари 15–20 бараварга етди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат натижасида мамлакатда ижтимоий бошқарувнинг самарали тизими яратилмоқда. Тўғри, бу масала ҳозирча иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилмаяпти. Шунинг учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти «Ўзбек модели»нинг алоҳида хусусияти сифатида ҳам, давлат ижтимоий фондлари ҳам, нодавлат ижтимоий фондлар воситасида юргизиладиган ижтимоий бошқарувнинг функционал роли юқори бўлишини кўрсатиш мумкин. Буни шундай асослаш мумкинки, биринчидан, жамиятда ижтимоий уйғунлик устун бўлган тарихий истиқбол образи аввалдан ишлаб чиқилди, иккинчидан, ҳозирги шароитдаги ижтимоий ривожланиш тамойиллари аниқ белгиланди, учинчидан, айтилган икки элементнинг ҳар бири иқтисодий жиҳатдан асосланди.

Ўзбекистон миллий моделининг ажратиб кўрсатишга лойиқ хусусиятлари яна шу билан ҳам характерланади – ки, унда ижтимоий бошқарув тизими аста – секин ўзгариб, такомиллашади, ва бу эркинлаштириш шароитида айниқса аниқ кўринади.

<sup>4</sup> «Иқтисодиётни эркинлаштириш даврида бандлик, меҳнат бозори ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш» мавзусидаги халқаро семинар материаллари, Тошкент, Ўзбекистон, 2000 йил, 5–8 апрел

**Жаҳон мамлакатларидаги иқтисодий ва ижтимоий  
кўрсаткичлар**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>1980 й.</b>	<b>1998 й.</b>
1. Аҳоли сони (млн. киши)	4427,0	5897,0
2. Ялпи ички маҳсулот ҳажми (мил. долл.)	10674,2	28862,2
3. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ялпи ички маҳсулот (долл.)	2411,1	4890,0
4. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда хусусий истеъмол (долл.)	1470,8	1773,9
5. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда таълим учун харажат (долл.)	106,7	252,5
6. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда соғлиқни сақлаш харажатлари (долл.)	72,8	122,3

«На пороге XXI века Доклад о мировом развитии 2000 года». – М.: Изд-во «Весь мир». Всемирный Банк, 2000, с. 215, 219, 225, 227, 238. маълумотлари асосида ҳисобланган.

Тадқиқотда эркинлаштириш нуқтаи – назаридан ижтимоий сиёсатнинг янги, учинчи босқичини ажратиб кўрсатиш зарурлиги асосланган.

Ҳар томонлама эркинлаштириш – мулк масаласини тубдан ҳал этиш ва шу асосда мулкдорлар синфини шакллантиришдан бошланади. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири – «Хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуksиз ўсиб борадиган кўп укладди иқтисодиётни ривожлантиришдир. Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчиликини ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади»<sup>5</sup>

Айни маҳалда чет эл тажрибасидан яхши маълумки, мулкдорлар синфи, ўз ижтимоий муаммоларини асосан нодавлат фондлар орқали сугурталаш усули билан ҳал этади. Бу ҳол келажакда мулкдорлар синфи шакллантирилиши билан баробар аҳоли кўпчилик қисмининг ижтимоий ҳимоялашнинг мазмунан ва шаклан бошқача тизими таркиб топишини билдиради. Аммо «ўзбек модели» ўтиш даври хусусиятларини инобатга олиб, ижтимоий кафолатларни кўпроқ давлат йўли билан таъминлашни кўзда тутлади. Бу бозор иқтисодиётининг ички ва ташқи ижтимоий йўналиши мутаносиблигини маълум даражада, лекин вақтинчалик бузади. Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ушбу номутаносибликнинг ижтимоий ўзини – ўзи ҳимоялаш принципини кучайтириш йўли билан яқин йиллар ичидаёқ шакллантирилиши

<sup>5</sup> Қаримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.:Ўзбекистон, 2000. 19 – 20 б.

лозимлиги тўғрисидаги масалани кўндаланг кўяди. Тадқиқотда миллий иқтисодий эркинлаштириш жараёнида ижтимоий масалаларни ҳал этишга, ишлаб турганларнинг ва бутун аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлашга, унинг самарадорлигини оширишга янгича ёндашувларга эҳтиёж туғилиши объектив равишда юзага келиши кўрсатиб ўтилган.

Бунда давлат ижтимоий сиёсатини ва ижтимоий дастурларни (мулкчилик шаклидан қатъи – назар) амалга ошириш доимо муайян миқдордаги молиявий ресурслардан мақсадли фойдаланишни тақозо этади. Молиявий барқарор ижтимоий фондларнинг фаолият кўрсатиши ҳар қандай ижтимоий механизмнинг зарурий элементи ҳисобланади. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси учун миллий иқтисодий эркинлаштириш даврида айтилган ижтимоий фондларнинг турли – туман шакллари ривожлантиришга ва энг аввало нодавлат шакллари ривожлантиришга эътиборни кучайтириб бориш талаб қилинади.

4. Диссертацияда ижтимоий фондлар икки жиҳатдан, биринчидан, назарий жиҳатдан категория сифатида, иккинчидан, амалда ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини рўёбга чиқариш воситаси сифатида кўриб чиқилди. Ижтимоий фондларнинг моҳиятини ижтимоий манфаатлар умумийлиги асосида шакллантирилган муносабатлар орқали очиб бериш зарур. Бу муносабатлар субъектлари, энг аввало, хўжалик манфаатлари соҳиблари, бу манфаатларнинг ифодачилари ва ижрочилари сифатида майдонга чиқадилар.

Хўжалик манфаатлари соҳиблари – бир – биридан қатор аломатлари: мулк, даромад бўйича, даромадлари бир хил бўлганда фаолият турлари бўйича, касблари, тармоқ ва минтақавий манфаатлари бўйича фарқланувчи ижтимоий гуруҳлардир. Булар ёлланма ишчилар ва корхона эгалари, фермерлар ва ер мулкдорлари, майда ва йирик тадбиркорлар, бошқарувчилар ва акциядорлар, давлат хизматчилари ва бошқалардир. Бу гуруҳларнинг ҳар бирида уларнинг ижтимоий – иқтисодий аҳволдан, шунингдек бирон – бир минтақага мансублиги, фаолият туридан келиб чиқувчи ўз манфаатлари бор. Шундай манфаат турларидан бири – ижтимоий ҳимояланганликдир.

Диссертацияда таъкидланишича, «Инсоннинг ижтимоий ҳимояланганлиги» тушунчаси инсон ва жамият алоқаларининг хилма – хиллигини акс эттиради – ки, шулар туфайли фуқароларнинг ҳаёт тарзи фаолияти амалга оширилади, ички имкониятлари очилади ҳамда улардан фойдаланилади. Бироқ, бундай ёндашув яқинда юзага келган, илгарилари эса маъмурий – буйруқбозлик тизимида ижтимоий ҳимоялаш тор тушунилиб, ногиронларни, пенсионерларни ва аҳолининг бошқа айрим тоифаларини ижтимоий таъминлашнинг марказлаштирилган давлат

тизими тушуниланган. Шу тарзда тушуниш ҳозир ҳам учраб туради, чунки давлатнинг ҳимоя қилишига урғу берилиб, ўзини – ўзи ҳимоя қилиш зарурлиги четда қолади, ваҳоланки бу бозор тизимини бош ижтимоий белгисидир.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий мақсади оиланинг жон бошига ўртача даромади энг оддий физиологик эҳтиёжларни қондирадиган даражадан бироз юқори бўлган шароитда аҳолининг кўпчилигини ночор кун кечиришдан халос қилишдан иборат бўлади. Ўзбекистонда ҳам аҳолининг энг ночор гуруҳларини, жамиятнинг меҳнатга яроқсиз аъзоларининг ва кўп болали оилаларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишининг олдини олиш зарурати қатъиян юзага келди.

Айни маҳалда меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси нарх – наво даражасидан тобора кўпроқ орқада қолиши кузатилади, борган сари кўпроқ кундалик зарур моллар нафақат меҳнатга яроқсиз фуқароларнинг, балки меҳнатга яроқчиларнинг ҳам қўли калталиқ қиладиган даражада қимматлашиб боради. Шунинг учун тирикчилик воситаси билан таъминлашнинг асосий манбаи бўлган иш жойларининг сақланишини ҳимоя қилиш ва аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга фаол жалб этиш учун шароит яратиш муаммоси юзага келди.

Тадқиқот натижасида шундай хулосага келиндикки, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали тизими фақат шундай ҳимояга муҳтож фуқаролар тоифасига эмас, балки иқтисодиётни энг кўп ривожлантириш, жамиятнинг меҳнатга яроқли ҳар бир аъзосининг меҳнат ғайратини рағбатлантириш, у ишлаб пул топиши мумкин бўлган шароитни яратишга ҳам мўлжалланиши керак.

Буларнинг барчасига эса, молиявий муносабатлардан фойдаланиб эришилади, улар шу тўғрисида аниқ ифодаланган ижтимоий функцияга эга бўлади. Шу боис, молиявий тизимнинг ижтимоий вазифасини истисно этиб, уни тақсимот ва назорат билан чеклаб қўйиш тўғриси эмас.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади – ки, республикамиз молиявий тизимини иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ривожлантириш қатъий ижтимоий йўналишда бўлиши лозим. Бозор иқтисодиёти миллий моделининг ижтимоий йўналтирилганлиги кўпроқ молиявий тизимнинг ривожланиши билан белгиланади.

Илмий ишда кўрсатилишича, ижтимоий йўналишни молиявий тизим воситалари орқали кучайтириш учун иқтисодий самарадорлик принциплари билан ресурслардан ижтимоий ривожланиш учун фойдаланиш ўртасида жиддий зиддиятлар юзага келиши кузатилади. Шунинг учун, бу каби ўзаро муносабатлар

мувофиқлаштирилиши учун янги механизмлар талаб қилинади, уни ишлаб чиқиш учун эса, илмий тадқиқотлар олиб бориш зарур.

5. Ижтимоий мақсадларни рўебга чиқариш учун доимо муайян миқдордаги моддий (энг аввало пул) маблағлардан мақсадли фойдаланиш тақозо этилади. Шу сабабли, ижтимоий фондларнинг амал қилиши ҳар қандай ижтимоий механизмнинг зарурий элементи бўлади. Улар аниқ ижтимоий вазифаларни бажариш мақсадида шакллантириладиган пул маблағлари фондидан иборат бўлади. Амалиётдан маълум бўлишича, бу фондлар хилма-хил шаклда вужудга келтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодий эркинлаштириш даврида айтилган ижтимоий фондларга эътибор кучайтирилиши муносабати билан диссертацияда уларнинг мазмуни чуқур таҳлил қилинди. Зеро, умуман илмий адабиётда, шу жумладан мамлакатимизда бевосита ижтимоий фондларга бағишланган асарлар жуда кам. Аҳоли ижтимоий ҳимоясига бағишланган илмий асарларда ижтимоий фондларни таҳлил қилиш ўрнига гап фақат е молиявий муносабатларнинг ва механизмларнинг мазмуни ҳақида, ёки фойда келтирмайдиган нотижорат ташкилотлар хусусида боради.

Ижтимоий фондлар бошқа пул маблағлари фондлари сингари молиявий муносабатлар таркибига кирилади ва муайян иқтисодий мазмунга эга бўлади. Ҳозирги молиявий тизимда ижтимоий фондлар мажмуи муҳим ўрин тутаяди ва бу фондларнинг кўпчилиги ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларини амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Бошқа томондан қаралганда, уларнинг яратилишидан асосий мақсад фойда олиш эмас. Бозор хусусиятига эга бўлган ҳар қандай ташкилот деганда, фойдани энг кўп олиш мақсадида чекланган ресурслардан самарали фойдаланадиган ташкилот назарда тутилади. Шу боис, ижтимоий фондлар бозор муҳитида мавжуд бўлишига қарамай, улар бозор объектларидан моҳиятан, тубдан фарқ қилади. Бизнингча, ижтимоий фондларда ҳам бозор муносабатлари, ҳам нобозор муносабатлар кўшилиб кетади. Фондларнинг ҳомийлар ёрдамида шаклланиши ва улардан аҳолининг айрим қатламлари муҳтожлигини ҳисобга олиб фойдаланишда нобозор муносабатлари аниқ ифодаланади.

Шу билан бирга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий муаммоларидан узоқ бўлган тузилмалар ҳам айтилган мезонларга осонлик билан мувофиқ келиши мумкин.

Ижтимоий фондларнинг янги моҳиятини ва макроиқтисодий оборотнинг янги сифатларини қайд этиш лозимки, улар мужассамлашган ҳолда янги аср бошида миллий ривожланишнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолади.

Иқтисодий ва ижтимоий йўналиш талабларига мувофиқ келтирилишида ижтимоий фондлар сони кўпайтирилишига ва уларнинг самарадорлигини оширишга объектив равишда эҳтиёж пайдо бўлади. Бунда, макроиқтисодий оборот таҳлиладан келиб чиқилса, ижтимоий фондларнинг тизимли мажмуида уларнинг хилма-хил турлари — давлат, нобюджет давлат (аралаш хусусиятга эга бўлган) ва нодавлат ижтимоий фондлар бўлиши лозим.

Республика миллий иқтисодий эркинлаштириш шароитида молиявий тизимга яна бир вазифа — ижтимоий ривожлантириш вазифаси хос бўлади. Молиявий муносабатлар ва молиявий тизим субъектларининг аксарияти шу вазифа билан боғлиқ бўлади. Ҳозирги даврда кўпчилик давлатлар аҳолиси айнан ижтимоий компонентлар орқали молиявий муносабатларга жалб этилган. Бу, энг аввало, ижтимоий ҳимояланганликни таъминлаш билан боғлиқ. Шу муносабат билан диссертацияда ҳал этилаётган ижтимоий — иқтисодий вазифалар миқёси ва характери хилма-хил бўлган мамлакатларда ижтимоий фондлардан фойдаланиш тажрибаси таҳлил этилган.

6. Тадқиқотдан маълум бўлишича, иқтисодий ривожланган мамлакатларда ижтимоий фондларнинг амал қилиши узоқ йиллар давомида юзага келган ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот параметрлари билан белгиланади. Ҳозирги даврга келиб ҳақонда ижтимоий таъминланганлик даражасининг моҳияти ва меъерий белгилашга умумқабул қилинган ва самарали ёндашувлар юзага келган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ижтимоий суғурта ижтимоий таъминотнинг кенг тарқалган ва мазмундор шаклларида бири сифатида юзага чиқади.

Ҳозирги кунда ижтимоий суғурта халқаро хусусиятларга эга ҳодиса бўлиб, у дунё тараққиётининг муҳим принципларидан бири бўлиб қолди. Ушбу тизимда шаклланган ижтимоий суғуртанинг қуйидаги асосий элементларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ижтимоий суғурта, одатда, иш берувчилар ва ёлланма ишловчилар тўлаган бадаллар, гоҳида эса давлат иштирокида кўшимча бадаллар ёки дотация кўринишида умумий солиқлар ҳисобидан молиялаштирилади;
- суғурталашда иштирок этишнинг айрим истиснолар билан мажбурийлиги;
- бадаллар махсус фондларда жамғарилади ва улар ҳисобидан нафақалар тўланади;
- фонддаги нафақалар тўлашдан ортиб қолган маблағлар эса, кўшимча даромад олиш учун инвестицияланади;

- нафақага бўлган шахсий ҳуқуқ даромад ёки муҳтожликни текширмаган ҳолда бадални ҳисобга олиш билан кафолатланади;
- бадал ва нафақа миқдори кўпинча суғурталанган шахс қанча маблағ ишлаб топаётгани ёки топганига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, ижтимоий фондларнинг фаолият кўрсатиши — ижтимоий ҳимоялашнинг бутун комплексини амалга оширишнинг бош механизми ҳисобланади.

Айни маҳалда, ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий фондларнинг амал қилиш хусусиятлари охириги нуқтасига бориб тақалди, бу аҳолининг тез кексайиб бориш жараёни бошлангани билан боғлиқдир. Жаҳон банки қайта тақсимлаш таъминоти самарадорлигини кескин пасайиб кетиши хавфининг олдини олиш мақсадида белгиланган бадаллари жамғариладиган ва хусусий тарзда бошқариладиган тизимни тавсия этмоқда. Албатта, мазкур тизим тўла тақсимланадиган ва давлат томонидан белгиланган нафақалар билан бошқариладиган нафақа тизими эмас.

Бу янги тизимлар уч даражадан иборат: биринчидан, давлат томонидан мажбурий бошқариладиган ва солиқлар ҳисобидан молиялаштириладиган қайта тақсимлаш;

иккинчидан, мажбурий хусусий тарзда бошқариладиган ва омонатлар учун тўла жамғариладиган;

учинчидан, кексайганда кўпроқ кафолатга эга бўлишни хоҳловчи кишилар учун ихтиёрийлик.

7. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ижтимоий фондларнинг амал қилиши уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига қараганда кўпроқ аҳолининг ижтимоий табақаланиши билан белгиланади. Ўзбекистонга ўтмишдан мерос бўлиб ривожланмаган иқтисодиёт ва паст турмуш даражаси қолди. Бу кўрсаткичлар бўйича у собиқ СССРда охириги ўринлардан бирини эгалларди.

Ўзбекистонда даромадларнинг пастлиги, биринчидан, республика иқтисодиётининг ярим мустамлака, аграр хусусиятга эгаллиги бўлса, иккинчидан, меҳнатга яроқли аҳоли бандлиги даражасининг нисбатан пастлиги туфайли, учинчидан, оилаларда ҳар бир ишловчига тўғри келадиган боқимандалар сонининг кўплиги сабабли юзага келган эди. Сўнги омил эса, ўзбек деҳқонлари даромадларига салбий таъсир кўрсатган.

Ижтимоий фондларнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатган бошқа бир объектив омил даромадлар таркибида трансфертлар аҳамиятининг ошиб бориши бўлган.

Ижтимоий фондларни ташкил қилишда қайд этилган шарт — шароитлардан ташқари, аҳоли онгида социалистик анъаналар сақланиб қолганлиги бўлса, ижтимоий фондларни ташкил қилмасдан туриб мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва

янгиларини яратиш, шунингдек ишловчиларни малакасини оширишга қаратилганлигини ҳисобга олмасдан кўзда тутилган аниқ мақсадларга эришиб бўлмасди. Акс ҳолда боқимандалик кайфиятидан халос бўлмаслик унинг қайта шаклланишига ва иқтисодиёт субъектлари ўзини – ўзи ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат бозор принципларининг қарор топишига тўсиқ бўлиши мумкин. Бозор принципларига мувофиқ, ижтимоий фондлардан фақат ўзини – ўзи ишлаб даромад топишга қодир бўлмаганларгагина ижтимоий қўллаб – қувватлаш тадбиқ этилиши кўзда тутилади. Давлат ва нодавлат фондларидан фойдаланишда шу қоидага амал қилиниши керак.

Иқтисодиётдаги ислохотлар чуқурлашиши ва ишлаб чиқариш ўсиши натижасида аҳолининг ижтимоий ҳимоя ресурслари кўпаймоқда.

1999 йилда Ўзбекистон бюджетида кам таъминланган фуқаролар ва кўп болали оилаларни қўллаб – қувватлаш учун 1998 йилдаги 32,2 миллиард сўм ўрнига 45,7 миллиард сўм ажратилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллашиб бормоқда ва унинг янги шакллари вужудга келмоқда.

3 – жадвалда келтирилган маълумотлар кўрсатишича, биринчидан, сўнгги йилларда оилаларга пул маблағлари билан ёрдам бериш камайгани ҳолда ёрдамнинг ўртача миқдори кўпайди. Иккинчидан эса, аҳолининг маълум қатламларига бир йўла моддий ёрдам берилиши туфайли ёрдам олувчилар сони кўпайди ва ёрдам миқдори эса ортди.

Ўзбекистондаги аҳолининг ижтимоий қўллаб – қувватлаш ва ҳимоялашни ташкил этиш соҳасидаги ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичидаги бош йўналиш жаҳоннинг барча минтақалари амалиётида ривож топган энг барқарор шаклга эга бўлган – нодавлат ижтимоий фондларини ривожлантириш бўлиши керак. Бу эркин иқтисодиёт тизими талабларига мос келади. Айтилган йўналишнинг зарурлиги нодавлат мулкнинг ривожини билан изоҳланади. 8. Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги ижтимоий фондлар ўтиш даврига хос тақсимот муносабатлари маҳсули бўлиб, улар иқтисодиётнинг фирмалар (корхоналар), уй хўжаликлари ва давлат корхоналари сингари субъектларнинг даромадларини қайта тақсимлаш жараёнида шаклланади.

Кўп укладли иқтисодиёт ўз мазмунига кўра, тақсимот муносабатларининг бозор ва нобозор характерига эга бўлишини тақозо этади. Тақсимотнинг бу аралаш жараёнида иқтисодиётнинг ўтиш даврига хос бўлган ижтимоий фондлари юзага келади.

Иқтисодиётнинг кўп укладли таркиби, бир томондан, ижтимоий фондларни маблағ билан таъминлашда ихтиёрийликни, бошқа томондан эса – мажбурийликни шарт қилиб қўяди.



Умуман, давлат ва нодавлат ижтимоий фондларнинг мақсад ва воситалари улар бир – бирини ўзаро узвий тўлдириб боришини таъминланиши лозим. Ўзбекистонда ҳам ижтимоий фондлар мулкчилик шаклларига кўра, давлат ва нодавлат фондларидан иборатдир.

3–жадвал

**Ўзбекистонда давлат томонидан оилаларга  
кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам\***

№		1996 й.	1997 й.	1998 й.	1999 й.
1.	Кам таъминланган сифатида моддий ёрдам олган оилалар (фоиз)	14,5	14,9	11,8	8,9
2.	Ойлик моддий ёрдамнинг ўртача миқдори (сўм)	600	1070	1731,4	2716
3.	Нафақа олган кўп болали оилалар (фоиз)	81,4	40,7	36,0	28,7
4.	Нафақанинг ўртача миқдори (сўм)	300	898,9	1483,4	2336
5.	Оилага кўрсатилган ўртача ижтимоий ёрдам (кам таъминланган – ганлик бўйича нафақа ва болалар – га нафақа) (сўм)	900	1968,8	3214,8	5052
6.	1 сентябрда совға тўлаamlари олган биринчи синф ўқувчилари соғи (минг киши)	–	630,7	685,7	650,0
7.	Тўлаамнинг ўртача қиймати (сўм)	–	1218,0	1400,0	1817
8.	Кам таъминланган оилалардан қишки кийимлар комплектини олган болалар соғи (минг киши)	–	373,0	388,8	394,1
9.	Бир комплектнинг ўртача қиймати (сўм)	–	2579,0	2586,0	3984

\* Ўзбекистон Республикаси Молия вазиранинг маълумотлари асосида ҳисобланган.


Давлат ижтимоий фондлари умуммиллий хусусиятларга эга бўлиб, улардан жамият манфаатлари миқёсида фойдаланилади. Улар «Ўзбек модели»нинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга, мақсадларини рўёбга чиқаришга мўлжалланган. Даромадларни тўплаш ва уларни давлат механизмлари орқали қайта тақсимлаш давлат ижтимоий фондларини вужудга келтиришнинг асосий воситаси бўлади.

Фондларнинг ҳажми умумий ижтимоий эҳтиёжларга ва уларни ишлаб чиқаришнинг ушбу даражасида қондириш имкониятларига боғлиқ бўлади. Бироқ, фаол ижтимоий сиёсат амалга оширилса, мамлакатда яратилган моддий неъматлар ва хизматларни қайта тақсимлаш кўлами фондлар ҳажмига таъсир кўрсатади.

## Ижтимоий фондларнинг шаклланиши

Тақсимлаш

Қайта тақсимлаш



Давлат ижтимоий фондлари миллий иқтисодиёт ресурслари билан боғлиқ бўлиб, шу боис жамият иқтисодий имкониятлари чегарасидан чиқиб кетиши мумкин эмас, акс ҳолда улар иқтисодий ўсишни сустлаштириши мумкин. Ўзбекистонда давлатнинг бирлашган бюджетда бюджетдан ташқари фондлар мавжуд бўлиб, улардан баъзилари ижтимоий хусусиятларга, бошқалари эса, ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлиб, бюджетнинг ўзида эса, ижтимоий фондлар ижтимоий қўлаб – қувватлаш фонди кўринишида намоён бўлади.

Бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар: (пенсия фонди, бандликка кўмаклашиш фонди, касаба уюшмалари ижтимоий суғурта фонди) булар соф давлат фондлари эмас, чунки улар аралаш хусусиятларга эга. Улар шакллантирилиши манбаларига кўра, корхона ва муассасаларнинг ажратмаларидан таркиб топади, марказлаштирилган ҳолда ва давлат назорати остида жамғарилади, давлат томонидан белгиланган қоидага мувофиқ тақсимланади ва фойдаланилади. Бироқ, уларни шакллантириш ва тақсимлашда касаба уюшмалари каби нодавлат ташкилотлар ҳам иштирок этади. Бу фондлар аралаш хусусиятларга эгаллиги туфайли уларни ҳам жамланган ҳолда, ҳам алоҳида – алоҳида ўрганиш талаб этилади. Диссертацияда мазкур фондларнинг шаклланиши ва ишлатилиши атрафлича таҳлил этилган.

Ижтимоий фондларнинг тизимли мажмуида уларнинг хилма – хил турлари бўлиши лозимки, бу ўтиш даври иқтисодиётининг кўп укладли характерига мос келади.

Бюджетдан ташқари фондлар ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари бўйича вужудга келтирилади. Бу фондлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича жамиятимиз эришадиган ютуқларга ўз ҳиссасини қўшади.

Пенсия фондини олсак, у кексалар даромадининг асосий манбаи ҳисобланади. Таҳлил кўрсатишича, сўнгги йилларда пенсия фонди харажатлари таркибида уларнинг мақсадли йўналишига қатъийроқ риоя этила бошланди. Агар 1994 йилда барча турдаги пенсияларни тўлашга жами фонднинг 97 фоиздан камроғи ишлатилган бўлса, 1999 йилда 98 фоиздан кўпроғи ушбу мақсадларга ишлатилди.

Бунда яна пенсия фонди ўз даромадларини таъминлаши ва маблағларни мақсадли сарфлашни уддалабгина қолмай, балки бу операцияларни ўз вақтида бажарилишининг ижтимоий самарасини анча оширади.

Умуман шунини таъкидлаш зарурки, пенсия фондининг иш олиб бориши, даромади таркиби ва маблағлардан мақсадли фойдаланишида бошқа фондларга қиёслаганда, анча ижобий ўзгаришлар кузатилади.

Чунончи, бандликка кўмаклашиш фонди харажатлари динамикасида «бошқа мақсадларга» дейиладиган харажатлар, яъни зотан фонднинг бевосита бош ижтимоий йўналишига тааллуқли бўлмаган харажатлари жадал ортиб бораётганлиги кузатилади. Бундан ташқари, меҳнат органларини таъминлаш харажатлари моддаси юқориликгича қолмоқда.

Натижада фонд ўзининг бош функционал ижтимоий вазифасига муайян даражада зиён етказган ҳолда устун даражада хусусий мақсадларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган бўлиб чиқади. Фонд шакланган дастлабки йилларда у устун даражада фаолият юритган, ишчи ўринларини сақлаб қолиш ва яратишга сарфланган маблағлар ҳозир анча камайтириб юборилган. Шунинг учун бандликка кўмаклашиш фонди ўз фаолиятини айни иш жойларини сақлаб қолиш ва янгиларини яратишга қаратиши лозимки, бу фонд харажатлари орасида устун ўрин эгаллаши зарур.

Касаба уюшмалари фондида суғурта бадаллари ҳисобидан шаклантириладиган даромадларнинг таркиби амалда бир хилда бўлгани ҳолда, санатория ва курортларда даволанишга, болалар лагерлари ва соғломлаштириш лагерларини таъминлашга харажатлар фаол ўсиб келди. Бунда капитал инвестицияларга маблағлар тобора кўпроқ ажратилаётгани диққатга сазовор бўлиб, у фонднинг келажақда янада самарали иш олиб бориши учун жиддий асос яратади.

Диссертацида кўрсатилганидек, бюджетдан ташқари фондлар Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоялаш тизимини изчил ўзгартиришдан

иборат бўлган муҳим вазифани бажариши мумкин. Улар, бир томондан, аввалги иқтисодий тизимнинг ҳосиласи бўлгани ҳолда, молиявий ворисийликнинг ўзига хос шаклига айланади. Бошқа томондан эса, миллий иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишда улар давлат бошқаруви билан узвий боғлиқликда фаолият юритмоқда ва мазмунан бозор характери ни касб этади, ammo эндиликда улар бюджетнинг ўзидаги махсус фонд сифатида ташкил этилади.

Бюджетдан ташқари фондлар ЯИМ ўсишига мувофиқ ортиб бормоқда. Бироқ, уларнинг ЯИМдаги ҳиссаси нисбатан барқарор бўлиб, буни 4 – жадвалдаги маълумотлардан кўриш мумкин.

9. Ўзбекистонда нодавлат ижтимоий фондларининг шакллантирилиш жараёни уларнинг давлат фондларига нисбатан жадалроқ ривожланаётганидан далолат беради, бу эса иқтисодий эркинликнинг чуқурлашиб бораётганлигини билдиради.

Ижтимоий соҳа қанчалик муҳим ва фаол бўлмасин, барибир иқтисодиётнинг ҳосиласидир. Шу сабабли иқтисодиётнинг кўп укладли таркиби ўсиб ва унинг нодавлат сектори мустаҳкамланиб боргани сайин нодавлат ижтимоий фондлар сони ҳам кўпайиб боради. Бу ҳол ижтимоий фондларнинг давлат тасарруфидан ташқарида ҳам бўлишидан далолат беради. Бироқ, ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, давлатнинг ижтимоий соҳага таъсири унинг иқтисодиётга аралашуви га нисбатан кучли бўлар экан, чунки у ижтимоий фаровонликнинг асосий кафили ҳисобланади. Шундай бўлса – да, ижтимоий вазифаларнинг бир қисми давлат ташкилотларидан нодавлат ташкилотларга ўтади. Ўзбекистонни ҳам келажакда шундай истиқбол кутмоқда.

Нодавлат ижтимоий фондлар тизимининг қарор топиш истиқболи кўп жиҳатдан республика корхоналари ва аҳолисининг реал даромади ва харажатлари билан ўзаро боғлиқ, чунки айни шу нарса аста – секин ушбу фондларга асосий маблағ етказиб берувчи бўлиб қолиши лозим.

Мамлакатда ўрта ҳол ижтимоий гуруҳлар таркиби мустаҳкамланиб, аҳолининг кам таъминланган ва нисбатан таъминланган қатламлари нисбатининг коэффициенти тобора камайиб бориши юз бермоқда. Жамиятнинг даромадлар бўйича кутбларга ажралиши камайиб бораётгани натижасида камбағал аҳоли ҳиссаси ҳам камаймоқда. Буни ушбу тадқиқот маълумотлари эмас, мустақил халқаро экспертларнинг ҳисоб – китоблари ҳам тасдиқламоқда. Масалан, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки (ЕПТБ) маълумотларига кўра, бу кўрсаткич Россия Федерациясида 38%, Туркменистонда 48%, Қозоғистонда 50%, Молдовада 65%, Қирғизистонда 76%, Ўзбекистонда эса 29%ни ташкил этмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида аҳоли даромадларида ижобий ўзгаришлар бўлаётгани муносабати билан

нодавлат ташкилотлар ва муассасаларнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги масъулияти ҳам ортиб бормоқда. Уларнинг молиявий ресурслари молиялаштириш манбаларига кўра, ўз ресурсларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш характерига кўра жуда хилма – хил бўлган нодавлат ижтимоий фондларни вужудга келтиради. Муаллиф фикрига кўра, бу икки хил ҳолат: биринчидан, ижтимоий эҳтиёжларнинг ўзи хилма – хилиги билан; иккинчидан, аҳолининг йирик ижтимоий гуруҳлари табақаланиши натижасида улар орасида манфаатлари турлича бўлган микроижтимоий гуруҳлар вужудга келиши кузатилади. Ушбу сабаблар боис, нодавлат ижтимоий фондлар турли – туман ижтимоий гуруҳларга қаратилиши оқибатида турли даражадаги мақсадли вазифаларга эга бўлади. Уларнинг баъзилари ёшлар ва болаларга қаратилган бўлса, бошқалари кексалар ва аёлларга йўналтирилган бўлади. Таълим, соғломлаштириш, экологик фондлар, шунингдек ижтимоий ҳимоя, маданий тарбия ва халқнинг миллий анъаналари, кадрятлари ва тарихий хотирасини тиклаш фондлари мавжуд бўлади.

4–жадвал

**Ўзбекистонда бюджетдан ташқари  
фондлар ҳиссасининг динамикаси\***

№	Бюджетдан ташқари фондлар	1994 й.	1996 й.	1998 й.	1999 й.
1.	Ижтимоий фондлар а) ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида б) бюджет харажатларига нисбатан фоиз ҳисобида	9,4 28,2	8,3 22,8	7,5 21,7	8,1 27,3
2.	Иқтисодий фондлар а) ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида б) бюджет харажатларига нисбатан фоиз ҳисобида	1,7 5,1	2,7 7,3	2,4 6,9	2,3 7,6
3.	Жами а) ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида б) бюджет харажатларига нисбатан фоиз ҳисобида	11,1 33,3	11,0 30,1	9,9 28,6	10,4 34,9

\*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

Диссертацияда бу фондлар таснифланишининг илмий принципларидан келиб чиқиб, уларни гуруҳлаштиришнинг илмий мезонлари кўрсатиб берилган. Муаллифнинг фикрича, бунда даставвал ушбу фондларнинг мақсадли йўналтирилганлиги вазифасидан келиб чиқиш лозим.

Бизнингча, нодавлат фондларнинг белги – аломатларидан келиб чиқиб уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- инсон капитални инвестициялаш фондлари;
- жамоат, нодавлат ташкилотлари ҳимоясига муҳтож бўлган, аҳолининг маълум қатламларини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган фондлар;
- аҳоли соғлигини сақлаш фондлари;
- табиатни муҳофаза қилувчи фондлар;
- халқнинг маданияти ва тарихий меросини тиклаш фондлари.

Айни вақтда бир неча гуруҳларга киритиш мумкин бўлган фондлар ҳам бор, чунки улар кўп функциялидир. Бундай таснифлашда фондларнинг ижтимоий вазифалари ва мулкчилик шаклларида келиб чиқилади. Фондларга уларни молиялаштириш манбаларига кўра ҳам ёндашиш мумкин. Ҳомийлар томонидан маблағлар билан таъминланадиган ва ўзини – ўзи маблағ билан таъминлайдиган фондларни ажратиш кўрсатиш ҳам мумкин. Бироқ, фондларнинг аксарияти ҳомийлар томонидан маблағлар билан таъминланиши принципи асосида иш юртади, бу, ўз моҳиятига кўра, бизнингча, бозорга хос усулда маблағ билан таъминланиш бўлмайди. Баъзи фондлар ҳомийлардан маблағ олган ҳолда, ўзлари ҳам коммерция фаолияти олиб боришади. Бундай ҳолатда ҳомийлар мадади билан ўзини – ўзи молиялаштириш қўшилиб кетади.

Нодавлат фондлар таркибида коммерция фаолияти олиб борадиган фондлар алоҳида ажралиб туради, бунда ҳўжалик юритишнинг бозорга хос принциплари қисман бўлса – да, мавжуд бўлади. Ижтимоий фондларнинг коммерция фаолиятини 5 – жадвалдаги маълумотларда кўриш мумкин.

Аҳолининг алоҳида ижтимоий қатламларини қўллаб – қувватлайдиган аниқ фондларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Ёшлар, пенсионерлар, хотин – қизлар ва болалар фондлари тўғрисида шу маънода сўз юритиш мумкин. Фондлар орасида таълимга қаратилган фондлар фаоллиги билан ажралиб туради.

Ижтимоий фондларнинг юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилганлигининг объектив сабаби шуки, ўтмишда Ўзбекистонда бу борада миқдор кўрсаткичларини ошириш йўлидан борилганди. Олий маълумотли шахсларнинг миқдор кўрсаткичлари бўйича, ҳар ўн минг аҳолига ҳисоблаганда талабалар сони бўйича Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги кўрсаткичлари ёмон эмасди. Бироқ, кадрлар тайёрлашдаги сифат кўрсаткичлари жаҳон андозаларига асло мос келмасди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон мутахассислар тайёрлашга маблағ сарфини ошириб боргани ҳолда, техник жиҳатдан, ва,

бинобарин, меҳнат унумдорлиги жиҳатидан ҳам орқада қолиб кетди. Кадрлар тайёрлаш тизимини меҳнат бозори талабларига мувофиқ тубдан ислоҳ қилиш учун таълим йўналишига эга ижтимоий фондларнинг бутун бир тармоғини яратиш талаб қилинарди. Бу фондлар кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўмаклашмоғи лозим. Улар учун энг муҳими, мутахассисларни миллий даражада эмас, балки жаҳон даражасида рақобатбардош, малакали кадрлар тайёрлашни таъминлашдан иборат.

5-жадвал

**1999 йилда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий фондларидаги кичик корхоналар фаолияти\***

Фондлар	Корхоналар сони, та	Яли пул тушуми, минг сўм ҳисобида	Харажатлар, минг сўм ҳисобида	Солиқ тўлаш — тача бўлган фойда, минг сўм ҳисобида	Муаффиқ тулаган лебиторлик қарзи, минг сўм ҳисобида
<b>Экосан</b>	25	39762,1	36558,6	723,5	42,0
<b>Олтин мерос</b>	53	429696,1	396388,9	19620,6	9971,6
<b>Нуроний</b>	481	3117434,4	2907796,6	115088,2	33378,8
<b>Камолот</b>	146	509316,4	483727,0	25210,7	459,3
<b>Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш</b>	22	256277,0	210322,2	50660,9	1,8
<b>Ўзбекистон болалар фонди</b>	5	6992,1	6778,4	170,4	—
<b>Маҳалла</b>	19	20025,9	19460,8	338,8	5,0
<b>Соғлом авлод учун</b>	75	156048,0	148103,8	6675,4	306,4
<b>Наврўз</b>	6	68213,5	89354,6	—	—
				21585,9	
<b>Устоз</b>	1	216,9	209,6	7,3	—

\*1999 йилда Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг фаолиятини асосий кўрсаткичлари. I қисм. Тошкент, 2000 й., 17–37 бетлар асосида ҳисобланган.

10. Нодавлат ижтимоий фондлар ўз даромадлари манбаи бўйича ранг-баранг кўринишга эга: бу уларнинг коммерция ва нокоммерция фаолияти кўламига боғлиқ. Баъзи фондларда коммерция фаолияти ривожланган бўлади ва бу ҳолат фондлар ҳузурида очилган турли фирмалар фаолиятдан ҳамда лоторея билетларининг эмиссияси кўлаמידан кўриниб туради. «Нуроний»,

«Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб – қувватлаш», «Камолот», «Олтин мерос», «Соғлом авлод учун», «Улуғбек» сингари йирик фондлар коммерция фаолиятини, турлича қўламда бўлса – да, авж олдиришмоқда. Шунга мувофиқ ҳолда пул тушумларидан, биринчидан, ижтимоий мақсадда; иккинчидан, коммерция фаолиятининг ўзини кенгайтириш мақсадида фойдаланилади.

Шундай қилиб, фондларнинг такрор ишлаб чиқариш тизими анча мураккаб ва кўп функцияли механизмга айлана бошлади. Шунга мувофиқ равишда улар республика миллий иқтисодиётининг таркибий қисми бўлиб қолади.

Фондларнинг даромад манбаи ўз нисбатига кўра хилма – хилдир. Диссертацияда мисол тариқасида энг йирик нодавлат фондлар даромадлари кўриб чиқилган (6 – жадвал).

Фондлар даромадларининг таҳлили дастлаб уларнинг таркибида ҳомийлардан тушумларнинг, кейинчалик, ўз фаолиятдан тушумларнинг ҳиссаси катта бўлишини кўрсатди. Бу, биринчидан, турли ташкилотларнинг низом маблағларини шакллантиришда иштирок этишига, иккинчидан, фондларнинг даставвал давлат томонидан бюджетдан қўллаб – қувватланишига боғлиқ.

Таҳлил фондларнинг ўз даромадлари нотекис кўпайишини кўрсатди. Бу ҳол фондларнинг ўз коммерция фаолиятини рағбатлантириш механизмнинг қандай ишлашидан келиб чиқади. Дастлаб фондлар ҳузурида очилган фирмаларга берилган солиқ имтиёзлари уларнинг коммерция ишларини фаоллаштиришига олиб келди, натижада фондлар бюджетига коммерция тушуми кўпайди. Имтиёзлар бекор қилинган, фирмалар фаолияти сустлашиб, оқибатда, фондларнинг ўз фаолиятдан келадиган тушумлари қисқарди.

6 – жадвал

**Нодавлат ижтимоий фондлар даромадлари\***

Фондлар	1996 й.	1997 й.	1998 й.	1999 й.
<b>«Камолот»</b>				
а) Коммерция фаолиятдан тушум, млн. сўм	17,6	68,7	148,7	28,7
б) Ҳомийлардан тушум, млн. сўм	87,3	2,1	133,7	10,5
<b>«Наврўз»</b>				
а) Коммерция фаолиятдан тушум, млн. сўм	14,8	142,5	105,9	131,1
б) Ҳомийлардан тушум, млн. сўм	4,0	11,0	1,0	4,0

\* «Камолот» ва «Наврўз» фондларининг йиллик молия ҳисоботлари асосида ҳисобланди.



Таҳлиларнинг кўрсатишича, ҳомийлар ёрдами ҳам барқарор эмас, чунки бу ҳомийларнинг молиявий аҳволига ва уларнинг даромадлари қандай тартибда тақсимланишига боғлиқ. Фондлар ўз низомларида белгиланган фаолиятини авж олдиргани ҳолда келадиган тушумларнинг барқарор эмаслиги натижасида улар кредит олиш учун кўпроқ мурожаат қила бошладилар, натижада уларнинг қарзи кўпайиб, молиявий жиҳатдан беқарор бўлиб қолишди. Бироқ, бунинг натижасида фондларни коммерциялаш даражаси чуқурлашмаслиги ва улар соф бозорга хос институтга айланмаслиги зарур. Ўз низом фаолияти хусусиятларига кўра, фондлар гарчи бозор воситаларидан фойдаланса – да, улар нобозор институтидир. Яъни, улар учун энг муҳими – аҳоли турли қатламларига беғараз ижтимоий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиб, бу энди бозор муносабатларига кирмайди.

Ижтимоий фондлар самарадорлигини ошириш учун улар маблағларини инвестициялашни анча кучайтириш талаб қилинади. Тадқиқотимиз кўрсатишича, бу дастлаб ижтимоий харажатларни чеклайди, лекин кейинчалик ижтимоий тадбирларни маблағлар билан кўпроқ таъминлай бошлайди ва бу билан уларнинг аҳамиятини оширади.

Фондларнинг хайрия тадбирлари бўйича юритаётган фаолиятлари уларнинг инсонпарварлик йўналишида бораётганлигидан далолат беради. Бироқ, улар боқимандалик кайфиятларини мустаҳкамлаши мумкинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди, шу боис улардан фойдаланиш жараёнида объектив сабабларга кўра, тирикчилик учун маблағ ишлаб тополмайдиганларни ижтимоий қўллаб – қувватлашни назарда тутишлари лозим. Фондлар томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилаётган асосий субъектларнинг таҳлилидан маълум бўлишича, улар кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатмоқда. Башарти кам таъминланганлик мезон бўладиган бўлса, унинг сабабларини пухта аниқламоқ лозим. Илмий ишда шу нарса асосландики, кам таъминланганлик объектив, оила учун иложи бўлмаган шароитдан келиб чиқадиган бўлса, уни фондларнинг ижтимоий ёрдами тақсимлашдаги мезонга асос қилиб олиш лозим.

Ёшлар фондларидан мустасно тарзда ёрдам кўрсатиш мумкин, чунки бу фондлар маблағлари ёшларнинг таълим даражасини оширишга, янги касб олишда ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатишга сарфланиши лозим. Бизнингча, ёшларнинг ўзини – ўзи ижтимоий ҳимоялашида ёрдам кўрсатиш улар учун асосий иш бўлиши даркор. Акс ҳолда улар ёшлар орасида боқимандалик кайфиятини вужудга келтириши мумкин, бу эса бозор қоидалари билан қовушмайдиган ҳолдир.

Кексаларни қўллаб – қувватловчи фондлар ҳам, аҳолининг ушбу тоифасига ёрдам кўрсатишга ҳам жуда эҳтиёткор ёндашмоғи зарур, яъни улар ҳам ўз аҳволига кўра, бир турда эмаслигини ҳисобга олиниши керак. Пенсия ёшидагилар ёлғиз бўлиши ҳам, фарзандлари билан оилада яшаб турган бўлиши ҳам мумкин. Ўзбекистонда миллий менталитетга кўра, фарзандлар кекса ота – оналари тўғрисида албатта ғамхўрлик қилишади, шунинг учун бу ерда ёлғиз кексалик камдан – кам учрайдиган ҳолдир.

Пенсионерларнинг турмуш шароитини тадқиқ қилиш кўрсатишича, уларнинг 94 фоизи оилада истиқомат қилади ва ёлғизлик уларга хавф солмайди. Бу, агар пенсия миқдори катта эмаслиги ҳисобга олинмаса, пенсионерлар асосий қисмининг ижтимоий аҳволи қониқарли бўлишдан далолат беради. Шунинг учун «Нуроний» сингари фондларнинг ресурсларидан фойдаланишда ёлғиз ва камбағал пенсионерларга ижтимоий ёрдам бериш устувор бўлиши лозим.

Нодавлат ижтимоий фондлар, агар ёшларни чет элларда ишлаб пул топишга тайёрлашса, катта наф келтириши мумкин. Шу муносабат билан, назаримизда, фондлар қошида бошқа мамлакатларда ишга жойлаштириш бўйича миграция хизматини тузиш зарур, шу мақсадда валюта кредит линияларини очиш ҳам фойдали бўлади.

Ўтиш даври жамиятининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда нодавлат ижтимоий фондлар ролини кучайтириш учун уларнинг фаолиятида асосан ижтимоий ҳимоянинг адресли бўлишини таъминлаш йўлидан бориш тақозо этилар экан.

Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодий эркинлаштириш шароитида мамлакатдаги ижтимоий фондлар маблағларидан унумли фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ижтимоий фондлар фаолияти<sup>шароитини</sup> кўрсатиш, маблағларининг шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир;
- давлат ижтимоий фондлари бўлмиш пенсия фонди, бандликка кўмаклашиш фонди ва суғурта фондлари даромад манбалари, суғурта бадаллик тўловлари даражаси ва уни ҳисоблаш услубларини ислоҳ этиш лозим;
- ижтимоий фондлар маблағларидан қатъий, мақсадли фойдаланиш ва кўрсатилаётган ижтимоий хизмат сифатини давлат томонидан назорат қилишни кучайтириш сиёсатини амалга ошириш керак.

11. Ижтимоий фондлар орасида пенсия фонди ва ижтимоий суғурта фонди бош ўринда туради. Кексаларнинг ижтимоий

эҳтиёжлари ошиб бориши ва аҳоли таркибида уларнинг ҳиссаси кўпайиб боришига кўра, бу фондлар ялпи ички маҳсулотнинг тобора кўпроқ қисмини ўзига жалб этади. Аҳолининг кекасайиб бориши ривожланган мамлакатларга хос хусусият, лекин янги асрнинг биринчи чорагида бошқа кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам шу муаммога дуч келади. Шу сабабли пенсия тизимини ҳозирдан ислоҳ этиб бориш керак бўлади.

Ўзбекистон кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширган ҳолда, ривожланган бозор тизимига, аҳолининг юқори турмуш даражасига асосланган демократик жамият куриш ниятида. Бундай мақсад кўйилганда, ижтимоий фондларнинг ҳозир ва келажакда ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олмай бўлмайди. Ўзбекистон иқтисодиётининг даражаси ҳисобга олинса, у ҳолда яқин келажакда давлат ижтимоий фондларининг нодавлат фондларга нисбатан устуворлиги сақланиб қолади. Ўзбекистонда ижтимоий неъматлар истеъмоли ҳали юқори эмаслиги ва ижтимоий эҳтиёжлар эса яна ошиб бориши шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Ўзбекистонда ижтимоий неъматларга эҳтиёжнинг ошиши қуйидаги объектив шароитлар билан белгиланади:

Биринчидан, аҳоли таркибида ёшлар ва болаларнинг салмоғи катта, уларнинг ёши улғайган сари, айниқса, эндоген омиллар таъсирига кўра эҳтиёжлари ҳам ортиб боради. Чунки, ижтимоий ахборотлар тез ёйила бошлади ва у янги эҳтиёжларни туғдирмоқда, бунга айниқса, интернет тизими катта ҳисса қўшади.

Иккинчидан, янги аср бошларида рўй бериши кутилаётган янги технологик революция туфайли иқтисодиётнинг глобаллашуви мисли кўрилмаган даражада ривожланади ва бу жараёнлар ишчи кучи ҳаракатчанлиги ва меҳнат ресурсларининг мамлакатлар ва қитъалар ўртасида жадал қайта тақсимланишига олиб келади. Мамлакатда яратилаётган очиқ иқтисодиёт туфайли Ўзбекистон ҳам ушбу жараёнга қўшилади.

Учинчидан, мамлакат иқтисодиётининг келажакдаги жадал тараққиётини инсон капиталига катта маблағлар сарфламай туриб тасаввур этиб бўлмайди, чунки Ўзбекистон янги технологиялардан интенсив тарзда фойдаланган тақдирдагина бундай ривожланишга эришиши мумкин, бу эса ишчи ва хизматчиларни тегишли ва юқори савияда тайёрлаш зарурлигини тақозо этади. Таълим тизимининг қудратли омилга айланиши учун ижтимоий фондлар, хусусан таълим фондлари устувор суръатлар билан ривожлантирилиши тақозо этилади.

Ижтимоий фондларнинг ривожланиш истиқболига яна бир муҳим омил таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда иқтисодиётнинг эркинлашуви муносабати билан аҳолининг ўзини – ўзи иш билан банд қилиш тамойили кучайиб бормоқда. Ўзбекистон шу кўрсаткич

бўйича МДХ мамлакатлари орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзини – ўзи иш билан банд қилиш соҳасида даромад излаш жараёни қуйидаги шаклларда содир бўлмоқда: стихияли меҳнат бозори орқали вақтинча бандлик, яқка тартибдаги норасмий меҳнат фаолияти билан бандлик ва томорқа хўжалигидаги бандлик.

Сўнгги йилларда иқтисодийнинг хусусий секторида ўз инвестициялари ҳисобидан арзон иш жойлари ташкил этиб, юридик шахс мақомини олмасдан туриб ёрдамчи секторда бандлик ўсмоқда, бунда: юридик шахс мақомини олмаган деҳқон хўжаликлари фаолиятида ва патент олиб бажариладиган ишларда бу жараён айниқса яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзини – ўзи иш билан банд қилиш фақат жорий даромадларни таъминлайди, лекин қариллик бўйича олинадиган нафақа пенсиясини кафолатламайди. Жамғарма пенсия тизими яратилмаса, кўпчилик қариганда пенсиясиз қолиши мумкин.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, ҳозирги пайтда бирдамлик ва жамғарма пенсия тизимларини ёқловчи ва уларга қарши бўлган бир қанча далил – асослар бор. Бизнинг фикримизча, мавжуд бирдамлик пенсия тизимини сақлаб қолган ва ривожлантирган ҳолда жамғарма пенсия фондларини босқичма – босқич шакллантиришга киришиш зарур. Пенсия фондлари ўз хусусиятларига кўра, иқтисодийнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлишига қарамай, улар бозорга хос хусусият касб этиши лозим. Лотин Америкаси ва МДХдаги қатор мамлакатлар иқтисодиёти лозим даражада ривожланмаганига қарамай, янгича пенсия тизимига ўта бошладилар.

Ўзбекистон иқтисодиёти ўтиш даврида бўлиб, шу туфайли пенсия тизимининг бирдамлик ва жамғарма шакллари ўзида мужассамлаштириши мумкин. Жамғарма фондлари инвестицион мазмунда бўлиб, улар ривожланиб бориб, даромад ҳосил қилади. Юқоридаги ҳолат эса пенсиялар миқдорини оширишга асос бўлади. Жамғарма пенсия тизимига ўтиш учун республикада икки хил шароит вужудга келмоқда. Бир томондан, аҳолининг ўзини – ўзи банд этиши бўлса, иккинчи томондан, аҳоли даромадларининг табақаллашиб, бой қатламининг ҳосил бўлиши ҳисобланади. Аҳолининг юқори даромадли қатлами жамғарма фондига пул қўйишга қодир бўлади. Банк тизимини эркинлаштириш ва қимматбаҳо қоғозлар бозорининг вужудга келиши жамғарма пенсия тизимига ўтиш учун шарт – шароитлар яратади. Тижорат банклар тизимининг вужудга келиши ва инвестицион жараённинг фаоллашуви натижасида фондлар маблағлари банкларга инвестициялаганда мунтазам даромадлар олиншини таъминлайди. Жамғармалар учун фоиз ставкалари катта бўлмаганлиги ва инфляциянинг нисбатан юқори даражада эканлиги пенсия фонди

маблағлари бир қисмининг қадрсизланиши хавфини сақлаб қолади. Бироқ, муътадил – қатъий монетар сиёсат ўтказилиши оқибатида иқтисодиётнинг ўсиши, инфляция даражасининг пасайишига олиб келади, унинг суръатлари табиий муътадил даражага келади. Бу жиҳат миллий пул бирлигининг бошқа валютага эркин алмаштиришга ўтилиши билан хусусий жамғарма фондларининг вужудга келиши ва ривожланиши учун қулай шарт – шароитлар яратади.

Ўтиш даври иқтисодиётида ишлаб чиқариш даражаси етарлича ривожланмаганлиги сабабли ҳомийлик маблағи чекланган бўлади ва бу фондларнинг коммерция фаолияти ҳисобидан ўзини – ўзи маблағ билан таъминланишини рағбатлантиради. Бироқ, иқтисодиётнинг ўсиши ва нодавлат ижтимоий фондлари барқарор молиялаштирилган шароитда улар бизнестан воз кечиши ёки ўзининг тадбиркорлик фаолиятини сусайтириши мумкин.

Бизнингча, ижтимоий фондлар тадбиркорлик вазифасини эмас, балки аниқ ижтимоий – хайрия вазифасини бажаради. Бизнес ва ижтимоий ҳимоя соҳалари ўз вазифаларига мувофиқ, қатъий чегарага эгалар. Бинобарин, келажакда улар учун етарли даражадаги иқтисодий шарт – шароитлар яратилганидан сўнг, улар устувор ижтимоий нодавлат фондлари бўлиб қолишлари аниқ.

## **Диссертациянинг асосий ғояси қуйидаги илмий ишларда нашр этилган:**

### *Монография ва дарслиklar*

1. Сиёсий иқтисод. Ўқув қўлланмаси (ҳаммуалифликда). – Т.: ТошДУ, 1990, 96 б.
2. Макроэкономическая ситуация и развитие социального сектора в Узбекистане /Социальные реформы в странах с переходной экономикой (проблемы и опыт), М.: ИКЦ «ДИС», 1997, гл.6, с. 120 – 131.
3. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни (ҳаммуалифликда). – Т.: Университет, 1998, 85 – 106 б.

### *Журналларда чоп этилган мақолалар*

4. Мулк шакллари //Ҳаёт ва иқтисод, 1990, № 5, 55 – 56 б.
5. Обсуждение актуальных проблем экономического развития среднеазиатских республик //Экономические науки (Россия). 1990, №7, с. 127 – 130.
6. Журнал сегодня и завтра //Экономические науки (Россия), 1990, № 10, с. 119 – 125.

7. Демографическое накопление // (в соавторстве) Экономика и статистика, 1998, № 1, с. 5–6.

8. Сущность социальных фондов и их место в макроэкономическом кругообороте // Экономический вестник Узбекистана, 2000, № 2, с. 22–28.

9. История возникновения и этапы развития социальных фондов в экономике развитых стран // Экономический вестник Узбекистана, 2000, № 3, с. 50–53.

10. Особенности социальной ориентации экономики в узбекской модели перехода к рынку // Экономический вестник Узбекистана, 2000, № 5, с. 6–9.

11. Иқтисодийни эркинлаштириш шароитидаги муҳим омиллар. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000, № 5, 5–9 б.

12. Бозор иқтисодиети: жаҳон тажрибаси тараққиетида ижтимоий, тузилмавий тамойиллар шаклланиши. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000, № 6, 23–27 б.

13. Ўзбекистонда ижтимоий фондларнинг ривожланиш истиқболлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000, № 7, 36–40 б.

14. Иқтисодийнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ва ижтимоий фондлар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000, № 9, 32–35 б.

15. Этапы развития социальных фондов в экономически развитых странах // Экономический вестник (Киргизия), 2000, № 2, с. 45–52.

16. Реформирование пенсионной системы Узбекистана // Труд и социальная защита (Россия), 2000, № 8, с. 26–28.

17. Денежные доходы и расходы населения в системе макроэкономических показателей развития экономики и роста благосостояния // Экономический вестник Узбекистана. 2001. №1. с. 11–12.

### *Турли нашрларда чоп этилган илмий мақолалар*

19. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий модели муаммолари / Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш ва миллий модел муаммолари илмий амалий конференция тезислари. – Т.: 1995, 3–8 б.

20. Макроэкономическая ситуация и развитие социального сектора в Узбекистане // Вестник ТашГУ, 1997, №7, с. 9–17.

21. Социальные фонды и инвестиционная деятельность коммерческих банков / Ўзбекистон Республикаси банк – молия тизимини такомиллаштириш ва унинг жаҳон молия бозорига

интеграциясининг долзарб масалалари мавзусидаги халқаро илмий – амалий конференция материаллари. Т.:Молия, 1999, с. 78 – 79.

22. Рынок труда и обеспечение занятости трудоспособного населения в регионах /История, культура и экономика юга Кыргызстана. Материалы международной научной конференции. Ош, Кыргызско – Узбекский Университет, 2000, с. 324 – 328.

23. Финансирование пенсионной системы в переходной период /Бозор муносабатлари шароитида сугурта тизимини такомиллаштириш муаммолари республика илмий – амалий конференцияси материаллари. – Т.:Молия, 2000, с. 46 – 48.

24. Приоритеты социальной политики в Республике Узбекистан в условиях перехода к рыночной экономике /Актуальные вопросы экономики (сборник научных трудов), X выпуск. Изд. Тбилисского Университета, Тбилиси, 2000, с. 148 – 158.

**Краткое содержание диссертационного исследования по теме**  
**«Социальные фонды в системе рыночных отношений»**  
**Специальность 08.00.03 – Макроэкономика**  
**08.00.01 – Экономическая теория**

Диссертация посвящена исследованию сущности, механизма функционирования и проблемы эффективности использования ограниченных финансовых ресурсов при формировании новых отношений социальной защиты, связанных с социальными фондами.

Объектом исследования стал комплекс проблем, связанный с теоретическим анализом социальной ориентации экономики в процессе формирования и использования социальных фондов, их сравнительной оценки с целью разработки эффективного механизма их функционирования в качестве органического компонента общей системы социальной защиты.

Целью диссертационного исследования является теоретическое обоснование социальной ориентации рыночной системы и разработка на этой основе **научной концепции развития социальных фондов с учетом международного и национального опыта их организации.**

Научная новизна работы заключается в следующих моментах:

- Аргументирована авторская трактовка внутренней (имманентной) социальной ориентации рыночной экономики;
- Она впервые представлена как многовариантная и разнообразная категория, имеющая свои системные внутренние характеристики;
- Фактор гибкости моделей экономического развития в способах реализации перманентной социальной ориентации оценивается в качестве гарантии от углубления противоречия между рыночными стимулами и социальной ориентацией;
- Выделены два системных уровня формирования особенностей моделей национального развития в процессе построения современной рыночной экономики: во-первых - социальные аспекты; во-вторых - экономические аспекты, вытекающие из социальных, что позволяет определить характер иерархии структурных компонентов моделей и их системного единства;
- В качестве одной из особых характеристик «узбекской модели» социально ориентированной рыночной экономики выделена повышенная макроэкономическая функциональная роль государственного социального управления как фактора сбалансированной внутренней и внешней социальной ориентации, обоснована необходимость поэтапного перехода к либеральной экономике горизонтальной, преимущественно негосударственной системы социального управления, включающей систему социального самоуправления;
- Социальные фонды определены как финансовые категории, вытекающие из социальных функций финансов, дана авторская трактовка критериев



классификации фондов, раскрыт механизм финансирования негосударственных социальных фондов, сделаны выводы относительно реального усиления или ослабления социальных приоритетов в функционировании каждого из них;

- Раскрыто противоречие между считающимися более эффективными, но более сложными в практическом плане страховыми системами социального обеспечения и менее эффективными но практически более реальными в условиях национальной экономики с большим количеством самозанятых и занятых в сфере малого и среднего предпринимательства providentными системами;
- Выявлены особенности использования социальных фондов, раскрыты причины снижения эффективности негосударственных социальных фондов, выдвинуты предложения по эффективному использованию с учетом их главных функций;
- Выделены ряд факторов, препятствующих и способствующих ускоренному внедрению многоуровневых систем пенсионного обеспечения, здравоохранения и образования, определены возможности и границы рыночных и нерыночных способов образования социальных фондов;
- Научно обоснованы перспективные направления развития социальных фондов и возможности внедрения новых принципов их организации и управления с учетом международного опыта.

Научная и практическая значимость диссертации состоит в том, что результаты исследования в части теоретических выводов и положений могут быть использованы в дальнейших исследованиях проблемы социальной ориентации экономики в условиях ее рыночной трансформации. Выводы автора могут быть использованы в качестве научной базы новой системы социальной защиты, свойственной либеральной экономике, а практические рекомендации, изложенные в работе автора могут быть полезны в эффективном управлении социальными фондами. Материалы диссертации также могут быть использованы при проведении спецкурсов по экономической теории, макроэкономике и социальной политике.



## **The brief Contents of the Thesis Paper on the Theme: “Social Funds in the System of Market Relations”**

**Specialty: 08.00.03 – Macroeconomics  
08.00.01 – Economic Theory**

The thesis is concerned with the essence, mechanism of functioning and the problems of efficient use of limited financial resources in the formation of new relations of social protection associated with the social funds.

The subject of enquiry has been the package of problems connected with the theoretical analyses of the social orientation of the economy in the process of formation and use of social funds, their comparative evaluation with the view of working out the effective mechanism of their functioning as an organic component of the common system of social protection.

The aim of the thesis is the theoretical validation of the social orientation of the market system and the development on its basis the scientific conception of development of social funds taking into account international and national expertise of their organization.

The scientific novelty of the paper lies in the following:

- The author sets forth forcibly the immanent social orientation of the market economy;
- It was presented for the first time as multivariant and diversified category with its system inner characteristics;
- The flexibility factor of models of economic development in the ways of implementing of permanent social orientation is evaluated in the form of guarantee from discrepancy between market incentives and social orientation;
- The author highlights two system levels to form the peculiarities of models of national development in the process of building modern market economy: firstly – social aspects; secondly – economic aspects resulting from the social ones which enables one to determine the character of hierarchy of structural components of models;
- The increased macroeconomic functional role of the state social management as a factor of balanced inner and outer social orientation has been highlighted as one of the peculiar characteristics of the Uzbek model of the socially-oriented market economy, during stage-by-stage transition towards liberal economy the author has validated the need for the horizontal, predominantly non-state system of social management involving the system of social self-government;
- Social funds have been defined as financial categories arising from social functions of finances, the author sets forth criteria for fund classifications;

- The mechanism of financing non-state social funds has been revealed, the conclusions have been made about the real increasing or decreasing of social priorities in functioning of each of them;
- The author has revealed discrepancy between once considered to be more effective, but more complicated in practice insurance systems of social maintenance and less effective, but practically more real in the conditions of national economy with greater number of self-employed and employed in the sphere of small and medium businesses, provident systems;
- The author has shown the peculiarities of use of social funds, revealed the reasons for low-efficiency of non-state social funds, has suggested the ways of their effective use taking into account their main functions;
- The author has highlighted a number of factors preventing and facilitating the speedy implementation of multi-leveled systems of pension provision, healthcare and education;
- The author has defined the scopes and boundaries of market and non-market ways of forming social funds;
- The author has validated the promising trends for development of social funds as well as the ways of the implementation of new principles of their organization and management taking into account the international expertise.

The scientific and practical importance of the dissertation lies in the fact, that the results of the research relating to the theoretical conclusions and propositions may be used in further studies of the problem in social orientation of the economy in the conditions of its market transformations. The conclusions made by the author may be used as the scientific base of the new system of social protection peculiar to liberal economic system; practical recommendations laid in the work may be useful in the efficient management of social funds. The dissertation material, may also be used in conducting special courses relating to economic theory, macroeconomics and social policy.